2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 168 (168), 2020 йил 3 сентябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОТИРАСИ ЁДГА ОЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.**



Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги қарорига мувофиқ, 2 сентябрь санаси Биринчи Президент хотираси куни сифатида нишонланади. Мамлакатимиз тарихини, Ислом Каримов хизматларини эъзозлаш халқимизга, ёшларимизга маънавият етказади.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган нутқида Биринчи Президентимиз бошчилигида қўлга киритилган давлат мустақиллиги асрий орзумизни амалда таъминлаган оламшумул воқеа эканини таъкидлади.

Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Қуръон тиловат қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳам монумент пойига гуллар қўйди.

Ислом Каримовнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

ЎзА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**




**Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПИЛЛАЧИЛИК ВА ҚОРАКЎЛЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда пиллачилик ва қоракўлчилик тармоқларининг мавжуд салоҳиятини ҳар томонлама ишга солиш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг рентабеллигини ошириш учун қулай шароитлар яратиш орқали ушбу соҳаларни қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур тармоқлардаги инфратузилма ресурсларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш, насл кўрсаткичларини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган тизимли ишларни йўлга қўйиш бўйича фаолиятни кучайтириш талаб этилмоқда.

Пиллачилик ва қоракўлчиликни жадал ривожлантиришни таъминлаш, пиллачилик ва қоракўлчилик кластерларини ташкил қилган ҳолда хомашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга олиб чиқишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, жойларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2021 йил 1 июлга қадар **республиканинг яйловларга эга барча ҳудудларида** озуқа базасини яратган ҳолда майда шоҳли наслдор молларни кўпайтириш, шунингдек, мол сўйиш, тери ва жунни қайта ишлаш, гўшт-сут маҳсулотлари, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш бўйича **қоракўлчилик кластерлари** (кейинги ўринларда — кластерлар) **ташкил қилинади;**

кластерларга қоракўл зотли қўйларини боқишга мўлжалланган, шу жумладан, ўрмон билан қопланмаган ўрмон фонди ерларидан яйловлар ижарага берилади;

кластерларга яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолати ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик, **илмий ва инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда майда шоҳли наслдор молларни кўпайтириш,** кластер иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали хомашёни чуқур қайта ишлашни ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича мажбуриятлар юкланади;

кластерлар Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

2021 йил 1 январдан бошлаб кластерларга ҳудудларда шахтали ва тик қудуқлар, шунингдек, сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш ва реконструкция қилишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги “Пиллачилик тармоғида ипак қурти озуқа базасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4567-сон қарори 2-бандида назарда тутилган **120 миллион сўмгача** миқдорда **субсидиялар** бериш тартиби қўлланилади;

Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) аъзолари — кластер иштирокчиларига майда шоҳли наслдор мол харид қилиш ва кўпайтириш, шунингдек, мол сўйиш, озуқа базасини яратиш, ярим тайёр ва тайёр, шу жумладан, гўшт-сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тери ва жунни қайта ишлаш ҳамда биноларни реконструкция қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш лойиҳаларини молиялаштириш учун 2020-2023 йилларда ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга, лойиҳалар ҳажми, сони ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, тижорат банклари томонидан ўрнатилган фоиз ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоизлик пунктидан кўп бўлмаган миқдорда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсациялар берилади;

Уюшма аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун **камида битта иш ўрни** яратиш шарти билан Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида субсидиялар** ажратилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан бирга **2021 йил 1 июлга қадар** ташкил этилаётган кластерларга озуқа базасини яратиш учун фойдаланишга киритилаётган қишлоқ хўжалиги майдонларидан 1-иловага мувофиқ ажратиб берилишини таъминласин.

Давоми 2-бетда

**Бугуннинг гапи**

## БИЗ ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТЯПМИЗ

**Узоқ тарихнинг ҳаёт чиғириқларидан ўтган тажрибасидан маълумки, миллат уйғоқ бўлмаса, тараққиёт бўлмайди, давлат ҳам, жамият ҳам кучсизлигича қолаверади. Кучсиз давлат ўзгаларга қарам бўлади, халқи бошига кўп кулфатлар тушади. Бунга ўзимиз гувоҳмиз, тарихимиз гувоҳ.**

Миллат қачон уйғонади? Қачонки, илм-фан, маърифат жамиятда устувор бўлса. Илм-фанни ривожлантирмай туриб, бирор давлат уйғонмайди, ривожланмайди. Тарихимизнинг олтин саҳифаларига қарасак, кўрамиз, юртимизда илм-фан ривожланган даврларда дунёга машҳур олимлар чиққан, давлатимиз кучли-қудратли бўлган... Илм-фанга эътибор сусайган даврларда эса, адолатсизликлар, жаҳолат авж олган, маърифатдан узоқлашган халқ қолоқлик ботқоғига бота бошлаган.

Илмсизлик кишини ўз тарихидан узиб қўяди, миллий қадриятларидан бегоналаштиради, мустақил фикрлашдан маҳрум қилади. Қарамликни бошидан ўтказган халқлар, жумладан, биз ҳам бу аччиқ ҳақиқатни яхши биламиз.

Бундан 29 йил илгари, қарийб бир ярим асрлик қарамликдан сўнг давлат мустақиллигини қўлга киритганимиздан кейин йўқотганларимизни қайтаришга ҳаракат қилдик. Кўп ишларга улгурдик, кўп ислоҳотлар қилдик, кўп иморатларни тикладик. Аммо ана шу шиддатли ўзгаришлар жараёнида хатоларга ҳам йўл қўйилди. Айниқса, таълим соҳасида имкониятлар бой берилганини бугун англаб турибмиз.

Давоми 3-бетда

**Фахр**

## ВАТАНГА СУЯНЧ БЎЛИНГ!

**Мустабид шўро тузумининг авж палласи.
Биз — Тошкент давлат университети(ҳозирги ЎзМУ) нинг журналистика факультети талабалари бўлмиш бир гуруҳ ёшлар “Метро ишга тушар экан” деган хушхабардан ўзимизда йўқ шод, бу янгиликнинг “суюнчи”сига бир кунлик дарсларнинг баҳридан кечиб, ақл бовар қилмайдиган мўъжизавий ер ости поездига тезроқ минишга ошиқиб бормоқдамиз.**

Самарқандда олий ўқув юртларида ўқийдиган мактабдош ҳамқишлоқларимиз ҳам шундай завқ ва иштиёқ билан ўқишини ташлаб, метрони кўришга келган...

Ўқув йилининг илк ойи — сентябрь тугаб-тугамай пахта йиғим-теримига оммавий сафарбар қилинадиган, ҳали ўспиринлик давридан чиқмаган талаба-ёшлар учун метронинг ярқираган ям-яшил вагонларида “сайр” қилиб юриш чинакам мўъжиза эди. Тарих XX аср, сана – етмишинчи йилларнинг иккинчи ярми нари-бериси. Орадан ўн-ўн беш йиллар ўтиб, қанча ёлғон тузумлару сохта таълимотлар барбод бўлишини биз ҳали билмас эдик.

...Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 29 йиллиги байрами арафасида янги давру замонамизнинг мутлақо ўзгача қиёфа ва тимсолини ўзида мужассам этган Тошкент метроси Юнусобод йўналишининг нурафшон ва мунаввар “Туркистон” бекатига янги замонавий вагонларда кириб борар эканмиз, менинг хаёлимдан салкам ярим асрлик аввалги узуқ-юлуқ хотиралар темир йўл шпалларидай ялт-юлт ўта бошлади. Талабаликдаги 18-19 ёшли ҳайратларим янги Ўзбекистоннинг уч йиллик ҳамда менинг олтмиш баҳор ва кузлардан ўтган умрим палласидаги ҳайратлар олдида хира тортиб қолди.

***Янги замонда***
***янги метрополитендир бу,***
***Тошкент зар чопон бўлса,***
***янги зарҳал енгдир бу.***

Рақамлар тили билан айтганда, Тошкент метрополитени Юнусобод йўналиши иккинчи босқичининг қурилиши амалга оширилиш муддати 2017-2020 йиллар-уч йил деб белгиланган.

Лойиҳани амалга ошириш доирасида салкам уч километр узунликдаги метро йўли ҳамда “Юнусобод” ва “Туркистон” метро бекатлари бунёд этилди.

Давоми 4-бетда

**Президент Шавкат Мирзиёев ўзига хос дадил қарорлари ва ғайрати билан мамлакатда жамиятни янгилаш, иқтисодий модернизация қилишда жиддий одимлар ташламоқда.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 сентябрь, 168-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПИЛЛАЧИЛИК ВА ҚОРАКЎЛЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Молия вазирлиги 2020 йил 1 октябрга қадар Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси ҳузуридаги Қоракўлчиликни ривожлантириш жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 августдаги “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4420-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилиши лозим бўлган маблағларнинг қолган қисмини ажратсин.

4. 2021-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасида қоракўлчиликни ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари 2–2.13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. **Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси** (кейинги ўринларда – Қўмита) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Қўмитанинг асосий вазифаси этиб белгилансин:

пиллачилик ва қоракўлчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, шунингдек, ушбу тармоқларни ягона илмий-техникавий сиёсатни юритган ҳолда, мувофиқлаштирилган тарзда ривожлантиришни таъминлаш;

тут плантациялари ва яйловларнинг қатъий ҳисобини юритиш ва фондини ўрганиш, шунингдек, пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш учун озуқа базасини яхшилаш;

ипак қурти ва қоракўл зотли қўйларнинг юқори даражада маҳсулдор наслларини жорий қилиш;

пилла ва қоракўл терисидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида хомашё тайёрлаш ва уни қайта ишлаш учун қулай шароитлар яратиш;

маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда ипак ва қоракўлдан тайёрланган маҳсулотларни энг аввало ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш;

пиллачилик ва қоракўлчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятини кенгайтириш, кластерлар ташкил этиш ва маҳсулотни экспорт қилишда ҳар томонлама ёрдам бериш;

6. Белгилансинки:

а) қоракўл зотли қўйларни кўпайтиришга мўлжалланган барча яйловлар Қўмитанинг доимий эгалигига ўтказилади;

б) яйловлар кластерларга Қўмита томонидан мустақил равишда, шу жумладан, ноль ставкада ижарага берилади;

в) ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган ерларидаги яйловлар кейинчалик Қўмита томонидан кластерларга, шу жумладан, ноль ставкада иккиламчи ижарага бериш учун Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан 3-иловага мувофиқ Қўмитага ноль ставкада ижарага берилади;

г) қуйидагилар кластерларни ташкил қилиш шартлари ҳисобланади:

Қўмита, ташаббускор ҳамда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ўртасида ташаббускорга яйловни ижарага беришни, шунингдек, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи шартнома тузилиши;

ташаббускор томонидан яйловлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳолати ёмонлашиб кетишига йўл қўймаслик, илмий ва инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда, майда шоҳли наслдор молларни кўпайтириш, кластер иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини йўлга қўйиш орқали хомашёни чуқур қайта ишлашни ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича мажбуриятлар қабул қилиниши;

д) наслчилик чорвачилик субъектларини давлат аттестациясидан ўтказиш ва наслчилик чорвачилик хўжалиги мақоми тўғрисидаги гувоҳномаларни бериш қоракўлчиликка тааллуқли қисмида Қўмита билан биргаликда амалга оширилади.

7. Қоракўл зотли қўйларни кўпайтиришга мўлжалланган **Яйловларни хатловдан ўтказиш ва ҳолатини ўрганиш бўйича комиссия** (кейинги ўринларда – Комиссия) 4-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Комиссия **2020 йил 15 октябрга қадар** қоракўл зотли қўйларни кўпайтиришга мўлжалланган мавжуд яйловлар Қўмитанинг доимий эгалигига ўтказилишини таъминлаган ҳолда, ялпи хатловдан ўтказсин.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қўмитанинг доимий эгалигига берилаётган яйловларнинг кадастр паспортлари тайёрланишини ва кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилишини тўлов ундирилмасдан таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари **2020 йил 1 ноябрга қадар** қоракўл зотли қўйларни кўпайтиришга мўлжалланган яйловларни хатлов натижалари якунларига кўра, Қўмитанинг доимий эгалигига ўтказсин.

8. Қуйидагилар:

**Ипакчилик илмий-тадқиқот институти** — “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ихтиёридан;

**Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти** — Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ихтиёридан;

**Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш маркази —** “Ўзчорванасл” агентлиги ихтиёридан Қўмитага ўтказилсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Жаҳон банкининг амалга оширилаётган лойиҳаси (15 миллион евро) ва Франция тараққиёт агентлиги билан биргаликда ишлаб чиқилаётган “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси (16 миллион евро) доирасидаги иккита грант линиялари юқорида кўрсатилган илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базаси, лаборатория ускуналарини модернизация қилиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, уларга хорижий мутахассисларни жалб қилишга йўналтирилишини таъминласин.

10. Қўмита Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Бухоро чўл-яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятларида ташкил қилинаётган, қишлоқ хўжалигидаги билим ва инновациялар тизимини ўз ичига олган Агрохизматлар марказлари билан чуқур интеграциялашувини;

пиллачилик ва қоракўлчилик билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига Агрохизматлар марказлари орқали билимлар бериш, уларни илмий-амалий қўллаб-қувватлаш ва хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилишини таъминласин.

11. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиғи) ва хом ипак (ТИФ ТН коди – 5002 ва 5003)ни олиб чиқишда **2021 йил 1 январдан эътиборан,** олиб чиқиладиган ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиғи) ва хом ипакнинг ҳар бир килограмми учун **0,05 АҚШ доллари миқдорида йиғим** ундирилади.

12. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Пиллачиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинсин** ва Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиғи) ва хом ипак (ТИФ ТН коди – 5002 ва 5003)ни олиб чиқишда ундириладиган йиғимлардан тўлиқ ҳажмдаги тушумлар, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар унинг маблағларини шакллантириш манбаи этиб белгилансин.

13. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Қўмита бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университети ва Самарқанд ветеринария медицинаси институти филиалларида қоракўлчилик соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича махсус йўналишлар очишни назарда тутсин;

Самарқанд ветеринария ва медицина техникумида майда шоҳли молларни кўпайтириш ҳамда ипак қурти етиштириш бўйича кадрлар тайёрланишини таъминласин;

Марғилон шаҳридаги 1-сон касб-ҳунар мактабида ипак қурти етиштириш, хом ипакни қайта ишлаш ва ипакдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кадрлар тайёрланишини таъминласин;

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Ипакчилик илмий-тадқиқот институти уларга майда шоҳли молларни ва ипак қуртини кўпайтириш бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилишда илмий-методик ёрдам кўрсатиш вазифасини юклаган ҳолда, тегишинча Самарқанд ветеринария ва медицина техникумига ва Марғилон шаҳридаги 1-сон касб-ҳунар мактабига бириктирилсин.

14. Ушбу Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:**

2020 йил 1 ноябрга қадар қоракўл зотли қўйларни кўпайтиришга мўлжалланган мавжуд яйловларни ялпи хатловдан ўтказишда Комиссияга кўмаклашсин;

яйловлар ўз вақтида Қўмитанинг доимий эгалигига ўтказилишини ҳамда озуқа базасини яратиш учун кластерларга ер участкалари ажратилишини таъминласин;

б) **Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси** 2020 йил 1 ноябрга қадар ушбу Фармоннинг 3-иловасида назарда тутилган яйловлар ноль ставкада ижарага берилишини таъминласин;

в) **Қўмита** 2021 йил 1 июлга қадар:

кластерлар ташкил қилиш ва уларга яйловларни ижарага бериш учун ташаббускорларни, шу жумладан, чет эллик тадбиркорлар орасидан танлаб олсин;

иштирокчиларнинг кластерлар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича аниқ мажбуриятларини белгилаган ҳолда, ташаббускорлар ҳамда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти билан шартномалар тузсин;

кластер иштирокчилари ўртасида кооперация алоқалари ўрнатилишини таъминласин;

олис чўл ҳудудларида майда шоҳли наслдор молларни суғориш учун мавжуд иншоотлар (тик ва шахтали қудуқлар)ни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш бўйича 2021 йилга мўлжалланган дастурни тасдиқласин.

15. Қўмита бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан бирга, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ипак чиқиндилари (шу жумладан, ипак момиғи) ва хом ипакни олиб чиқиш устидан мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И.Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 2 сентябрь

# Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи мамлакатнинг ўтмиши, бугунги тараққиёти ва келажакдаги ривожланиш истиқболлари тўғрисида концептуал тасаввурларни тақдим этди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи чет эл жамоатчилиги, сиёсий ва экспертлар доиралари вакиллари ўртасида катта қизиқиш уйғотди.**



**Меҳмет СЕЙФИТДИН, Эрол, Анқара стратегик тадқиқотлар маркази (AnkaSAM) директори:**

— Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ўтмиш, бугунги кун ва келгуси йилларда мамлакатни янада ривожлантириш истиқболлари тўғрисида аниқ, концептуал тасаввурни тақдим этди.

Аслида у республика ривожланишининг янги босқичини эълон қилди, давлат ва жамият қурилиши уфқларини кенгайтирди, давлат институтлари, фуқаролик жамияти ва иқтисодий ўсиш тараққиёти учун янги йўналишларни белгилаб берди.

Ушбу нутқ Ўзбекистон раҳбарининг долзарб масалаларга янгича ёндашувини акс эттирди. Ҳатто уни мамлакат тараққиёти траекториясининг энг муҳим бурилиш нуқталаридан бири, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, мустақиллик байрами кунлари бундай чиқишлар орқали мамлакат тараққиётининг ўтган босқичини баҳолаш, эркин, суверен давлатга янги мақсадларни белгилаш учун қулай фурсатдир.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, Президент сиёсий шиорлар, мавҳум мафкуравий формула ёки геосиёсий ўйинларга эмас, балки айни пайтда оддий фуқаролар учун муҳим бўлган аниқ ҳаётий масалаларга эътибор қаратди. Нутқда глобал пандемияга қарши курашиш шартлари, унинг оқибатларини муваффақиятли бартараф этиш йўллари, ёшлар, меҳнат муҳожирлари ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари муаммолари, соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналишлари, иқтисодий ривожланиш, инновацион тараққиёт — замонавий ривожланишдаги зарур барча жиҳатлар қамраб олинди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатдаги ўзгаришларга тизимли ёндашувидан ва унинг истиқболини кўра билишидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, ушбу нутқ янги Ўзбекистоннинг замонавий ҳақиқатларга хотиржам муносабатда бўладиган, унинг афзалликлари ва камчиликларини холис баҳолайдиган, устувор йўналишлар ва стратегик мақсадларни мустақил равишда аниқлай оладиган етук давлат эканини кўрсатди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўзига хос дадил қарорлари ва ғайрати билан мамлакатда жамиятни янгилаш, иқтисодий модернизация қилишда жиддий одимлар ташламоқда.

Агар Шавкат Мирзиёевнинг қарашлари тўлиқ амалга оширилса, Ўзбекистон МДҲнинг энг илғор мамлакатларидан бирига, Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва саноат марказига айланади.



**Карол БЮРО-БОННАРД, Франция Миллий Ассамблеяси депутати:**

— Азиз ўзбекистонлик дўстларим! Сизларни миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги билан қутлайман.

Мен Ўзбекистонда кўрилаётган чора-тадбирларни ва либераллаштириш жараёнида эришилган ютуқларни, сўз ва матбуот эркинлиги, барча соҳаларда очиқлик ва ошкоралик тамойилларининг қарор топаётганини тўла қўллаб-қувватлайман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг байрам муносабати билан қилган нутқида таъкидланганидек, ёшлар, айниқса, қизларнинг тарбияси Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессансга эришишида ўз ҳиссасини қўшади.

**Елена КУЗМИНА, Россия Фанлар академиясининг Е.М.Примаков номидаги Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро алоқалар миллий илмий-тадқиқот институти (ИМЭМО) тадқиқотлар маркази ходими:**



— Ўзбекистон учун 2020 йил мураккаб давр бўлди. Мамлакат коронавирус, глобал инқироз ва табиий офатлар каби кўплаб синовларни бошдан кечирди.

Энг муҳими, мамлакатда ҳаёт жўқин давом этаётгани ва “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” тамойили самарали ишлаётгани аниқ ифодалаб берилди.

Президент нутқида иқтисодиёт тўхтаб қолмагани, балки ривожланиб бораётгани аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди. Олтин-валюта захираларининг ортиши ва янги ишлаб чиқариш тармоқларининг ишга туширилиши, иш ўринлари ва фуқаролар даромадларининг мумкин даражада сақлаб қолиниши шулар жумласидан.

Бу ўринда гап нафақат иқтисодиёт, ижтимоий ва тиббий ҳимоя, соғлиқни сақлаш соҳаси ҳақида, балки фуқаролар ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш хусусида бормоқда. Қонунчилик ва суд ислоҳотларининг давом этаётгани Ўзбекистоннинг тўғри ислоҳотлар стратегияси ва ривожланиш стратегиясини танлаганидан далолат.

Мен ушбу йўналишдаги ҳаракатларнинг давом этишини ва Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашини тилайман. Зеро, Ўзбекистон ва бошқа қўшни давлатлардаги барқарор ривожланиш, ўз навбатида, бутун МДҲ минтақасига, шу жумладан, Россиядаги иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорликка ижобий таъсир кўрсатади.



**Янник ЛИНЦ, Лувр музейи Ислом санъати департаменти директори:**

— Ўзбекистон Республикаси халқига Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман.

Қалбим доимо Ўзбекистон билан эканини қатъий таъкидламоқчиман. Барчамиз синовли даврни бошдан кечиряпмиз. Бу пайтда ўзини ўзи изоляция қилиш тартибига риоя қилиш, масофадан туриб ишлаш ва ўқиш зарур. Коронавирус инфекцияси тарқалгандан сўнг Ўзбекистон халқи COVID-19га қарши курашишда янада жипслашди. Ишончим комилки, мамлакат ушбу эпидемия устидан ғалаба қозонади. Бугун турли миллатлар ўртасидаги муносабатларга янги назар билан қараш ва янгича бирлашиш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз давлатчилигини мустаҳкамлашда узоқ йўлни босиб ўтди ва иқтисодий ҳамда маданий ривожланишда улкан ютуқларга эришди. Бугун Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ўзгаришлар жуда таъсирли эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Маданият арбоби сифатида айтишим мумкинки, маданият инсоннинг кундалик ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Маданият бу — ҳаёт демакдир.

Биз 2022 йилда Лувр музейида Ўзбекистон маданий меросининг кўргазмасини ташкил этиш бўйича қўшма лойиҳани ўтказишдан жуда хурсандмиз. Бу, шубҳасиз, ўзбек халқининг бой меросини дунёга намойиш этишнинг ноёб имконияти бўлади. Ўзбекистон ҳудуди турли цивилизациялар ва маданиятларга бешик бўлган. Шунинг учун бу хилма-хилликни бутун дунёга намойиш этиш ғояси пайдо бўлди. COVID-19 пандемиясига қарамай, лойиҳани янада такомиллаштириш устида ишлашни давом эттирмоқдамиз. Биз ўзбекистонлик ҳамкасблар ва мутахассислар билан мунтазам равишда онлайн учрашувлар ўтказиб, кўргазма каталогларини яратиш ва реставрация ишларини олиб бориш билан боғлиқ қатор масалаларни ҳал қиламиз.

Шундай муҳим санада Ўзбекистон раҳбариятига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва ишларида янги муваффақиятлар, ўзбек халқига эса тинчлик, фаровонлик тилайман.

**“Дунё” АА**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 сентябрь, 168-сон



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

# УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИ ЖЎШ УРГАН ЗАМОН

## БИЗ ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИ ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТЯПМИЗ

Бошланиши 1-бетда



**Сафар ОСТОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Кейинги уч-тўрт йилда таълимнинг деярли унутиб қўйилган мактабгача таълим тизимини бошқатдан оёққа қўйишга киришилди. Ўрта ва олий таълимга мутлақо янги ёндашув ва талаблар қўйилмоқда.

Бугун тушуниб етдик, биз дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишни мақсад қилган эканмиз, бунга фақат ва фақат илм-фанни ривожлантириш, юксак салоҳиятга эга кадрларни тайёрлаш орқали эришиш мумкин. 2020 йилнинг Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилингани замирида айнан ана шу буюк мақсадлар мужассам. Жорий йилнинг ўтган олти ойида коронавирус пандемияси карантини жараёнига қарамай, бу борада улкан ишлар амалга оширилди.

Бироқ Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу ҳаёт-мамот масаласига яна бир бор жамоатчилик эътиборини қаратди. “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган буюк ғоя билан яшаб, меҳнат қилаётган халқимиз тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйгани, залворли ютуқларга эришилаётганини эътироф этди. Мулоҳаза қилиб, хулосалар чиқаришимиз учун айрим рақамлар келтирилди.

Қаранг, сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етди. Бу йил олий ўқув юртларига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшларимиз ҳужжат топширибди. Бу рақам ўтган йилдагига нисбатан 40 фоиз кўп экан.

Демак, ёшларимизда билим олишга, олий маълумотли бўлишга иштиёқ кучаймоқда, жамиятда фикрлайдиган, уйғоқ одамлар кўпаймоқда. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, таълим соҳасига давлат эътибори, яратилаётган шароитлар, имтиёзлар натижасидир. Президентимиз нутқида ҳаммамизнинг кўнглимизни кўтарган ва маъно-мақсадини чуқур ўйлаб кўришимиз керак бўлган янги бир фикр айтилди: **“Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугун Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги эмас”.**

Бу фикр аҳамияти нечоғлиқ юксаклигига мутахассислар ўз муносабатларини билдиради, албатта. Лекин мақсад аниқ ва равшан. Биз янги уйғониш даври пойдеворини яратяпмиз. Бунга таълим соҳасини такомиллаштириш, улуғ мақсадларимизга мос интеллекти баланд кадрлар тайёрлаш, инновацион тараққиёт йўли билангина эришиш мумкин.

Табрик нутқида кўпчиликнинг дилида оғриқ бўлиб келаётган яна бир масала — ёшлар тарбиясига боғлиқ янги ташаббус ҳақида айтилди. “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта “Тарбия” фани жорий этилади.

Таълим ва тарбия — парвознинг икки қаноти. Улар биргаликда баб-баравар олиб борилмаса, мақсадга эришолмаймиз. Яхши ўқиб, яхши мутахассис бўлиш мумкин. Аммо тарбияси кемтик бўлган мутахассис билан узоққа бориб бўлмайди. Бугун дунёда глобаллашув жараёнлари шиддатли кечаётган, ахборот тарқатиш технологиялари мисли кўрилмаган даражада ривожланган, ахборот хуружлари авж олаётган шароитда ёшлар тарбияси ўта долзарб масалага айланиб турибди.

Бугун, аввало, бир савол устида жиддий ўйлаб кўриш керак назаримда. Ёшлар тарбиясига нималар, қандай йўллар билан хуруж қилмоқда? Уларга қарши қандай таъсирчан чораларни кўришимиз зарур?

Иккинчи савол: ёшлар тарбиясига кимлар масъул? Оила, маҳалла, мактабгача таълим муассасаси, мактаб ва бошқа жамоат ташкилотлари ўрни қандай бўлиши керак? Эҳтимол, улар зиммасидаги бурчни, вазифани белгилаб қўядиган қонуний асосларни такомиллаштириш керакдир? Таълим соҳасидаги бир ҳаётий савол яна такрор қўйилди: нима учун репетиторга борган ўқувчи олий ўқув юртига киради-ю, оддий мактабни битирганлар кира олмайди?

Тарбия соҳасида ҳам шу каби саволни бериш мумкин. Мактаб ўқувчиси тарбияси бузилса, жиноят йўлига кириб қолса, жабрини ота-она тортади. Боласига эътиборсизлиги учун пушаймон бўлади. Мактаб-чи? Синф раҳбари, директор-чи? Уларнинг виждони қийналса, қийналади, аммо жавобгарлик йўқ. Шунинг учун болалар ўқиши, хулқидаги салбий ҳолатлар ҳамма ўқитувчиларни ҳам ташвишга солавермайди.

Тўғри, яхши фарзанд ота-онанинг бахти, фахри, таянчи. Худди шунингдек, жамиятда одобли, виждонли, ватанпарвар ёшлар қанча кўпайса, давлат ҳам шунча кучли-қудратли бўлади. Учинчи Ренессанс даври пойдевори шунча мустаҳкам бўлади.



## ИСТИҚЛОЛ РУҲИ ДОИМО ТОҒДЕК ТАЯНЧ



**Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик, “Дўстлик” ордени соҳиби**

Мамлакатимизда энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни кенг нишонланмоқда. Бу, коронавирус пандемиясига қарамай, юртимизда ҳаёт, тараққиёт изчил давом этаётгани, халқимиз эртанги кунга катта ишонч билан яшаётгани ва меҳнат қилаётганининг яна бир амалий тасдиғидир.

Айниқса, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқи халқимизнинг ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончини янада оширмоқда. Нутқда мустақил тараққиётимиз давомидаги уч муҳим босқичида амалга оширилган беқиёс тарихий ишлар, эришилган улкан натижалар чуқур таҳлил этилиб, келгусида мамлакатимиз, халқимиз олдида турган вазифалар аниқ кўрсатиб берилди.

Сўнгги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Иқтисодий ривожланиш ва унинг барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлган салоҳиятли мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, хорижий давлатлар етакчи олий таълим муассасаларининг филиаллари, қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрловчи таълим тизими вужудга келиши натижасида қабул квоталари сони ҳам йилдан-йилга ортиб бораётир.

Мамлакатимизда хорижий олий таълим муассасалари филиалларининг ташкил этилиши бўйича илк қадамлар ҳақида сўз борганда, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали ташкил этилиши, унинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича кадрлар етказиб беришдаги ўрнини эътироф этиш ўринли бўлар эди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш ва халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга йўналтирилган ислоҳотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан малакали кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасига боғлиқ.

Россия иқтисодиёт университетининг 1995 йилда ташкил этилган Тошкент шаҳридаги филиали мустақил Ўзбекистондаги биринчи хорижий олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида филиални жаҳон даражасидаги юқори малакали 3518 нафар иқтисодчи кадр, шу жумладан, 2718 нафар бакалавр ва 800 нафар магистр битириб чиқиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг турли соҳаларида самарали фаолият юритмоқда.

Олиб борилган изланишлар, машаққатли меҳнат эвазига филиалда меҳнат иқтисодиёти бўйича илмий мактаб яратилди. Айни пайтгача 15 нафар фан доктори, 45 нафар фан номзодига илмий раҳбарлик қилдим. Шу билан бирга, минг босма табоқдан ортиқ илмий ишларим, дарслик ва ўқув қўлланмаларим соҳада кадрлар тайёрлаш жараёнига татбиқ этилмоқда.

Хусусан, меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат иқтисодиёти, меҳнатни илмий ташкил этиш ва меъёрлаш, Ўзбекистонда меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш, меҳнат социологияси, персонални бошқариш каби иқтисодиётнинг турли долзарб муаммолари илмий асарларимда кенг тадқиқ қилиниб, турли хорижий тилларда ҳам нашр этилди.

Шунингдек, ҳар бир оиланинг тадбиркор бўлиши, мамлакатда мажбурий меҳнатга barҳам бериш, меҳнатга бўлган рағбат, мотивация ва иш ҳақи, “ақлли иқтисодиёт”, “истеъмол саватчаси”, “муносиб меҳнат” каби йўналишлар илмий ишларимда кенг ёритилиб жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди.

Соҳада қилган меҳнатларим муносиб тақдирланди. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони билан “Дўстлик” ордени билан мукофотландим.

Янги Ўзбекистонни халқимиз билан бир сафда туриб барпо этиш, уни бутун жаҳонга тараннум этиш — бугунги кунда ҳар биримиз учун чинакам шарафли ва масъулиятли ишга айланмоқда. Буни чин дилдан ҳис этиб, шу йўлда бор куч-ғайратимиз, билим ва тажрибамизни сафарбар этиб меҳнат қилсак, ҳеч шубҳасиз, келгусида бундан ҳам юксак натижаларга эришамиз.



## ҲАР БИР ИНСОН ЭЪТИБОРДА, ҲИМОЯДА

**Байрамбек УЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби**



Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда: “Бугун бир ҳақиқатни қатъий ишонч билан айтиш мумкин: дунёда турли хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган ҳозирги таҳликали вазиятда Ўзбекистонда шаклланган янги тизим ўзини тўла оқламоқда”, дея таъкидлаб ўтди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган, мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқ билан юзма-юз мулоқот қилиш, оддий инсонларни ўйлантираётган, ташвишга солаётган муаммо ва камчиликларни ўрганиб, бартараф қилишнинг янгича тизими — Халқ қабулхоналари институтининг ташкил топиши ва муваффақиятли фаолият юритиши ана шу сўзларнинг тасдиғи сифатида намоён бўлмоқда.

Узоққа бормай, вилоят Халқ қабулхонасининг ҳудуддаги секторлар раҳбарлари билан ҳамкорликда биргина август ойида амалга оширган ишларига эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўттиз бир кун ичида воҳа шаҳар ва туманларида 25 та сайёр қабул ва учрашув ўтказилди. Коронавирус пандемияси давом этаётгани сабабли барча эҳтиёт чоралари кўрилган ҳолда ташкил этилган тадбирларга вилоят аҳли катта қизиқиш билдирди.

Очиқ-ошкора руҳда ўтган мулоқотларда, айниқса, воҳа ёшлари фаоллиги яққол кўзга ташланди. Учрашувларда 350 дан зиёд йигит-қизнинг иштирок этгани, улар томонидан ўртага ташланган 100 га яқин мурожаатнинг кўриб чиқилгани буни тасдиқлайди. Бу мурожаатларнинг 18 таси жойида ижобий ечим топди, 60 тасининг ижроси назоратга олинди, қолган аризачиларга тегишли тушунтириш берилди.

Шу ўринда Президентимизнинг байрам табригидаги яна бир жумлани келтириб ўтаман: “Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблағ ва имконият талаб этилмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди”. Бу сўзлар мамлакатимизда инсон омили, деган тушунчанинг қоғозда эмас, ҳаётда ўз аксини топаётгани, бу юртнинг ҳар бир фуқароси давлат ва ҳукумат ҳимоясида эканини англатади.

Жаннатмонанд юртимизнинг миллионлаб фуқаролари каби мен ҳам бу сўзларнинг ҳақлигига амин бўлдим. Камтарона меҳнатим сабаб “Меҳнат шуҳрати” орденига муносиб кўрилдим.

Бу мукофот нафақат менга, балки умрининг ҳар бир соати, ҳар бир дақиқаси одамлар орасида ўтаётган, кунига минглаб эҳтиёжманд юртдошларимизнинг фикр-мулоҳазасига қулоқ тутаётган, арзи-додини тинглаётган, уларнинг мурожаатлари ижобий ҳал бўлишига ўзининг озми-кўпми ҳиссасини қўшаётган тизим вакилларининг камтарона меҳнатига берилган баҳо деб биламан.

## ЖАҲОН МАЙДОНИДА ИЛМУ ТАФАККУР ҒОЛИБ



**Аброр ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎзМУ профессори, физика-математика фанлари доктори, “Шуҳрат” медали соҳиби**

Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида илм-фан ҳақида гапириб бундай деди: “Сўнгги йилларда Ўзбекистон олимлари фундаментал фан ва унинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш борасида бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Хусусан, математика, физика, кимё, биология, астрономия, фармацевтика, геология, сейсмология ва бошқа соҳаларда жиддий амалий натижаларга эришилмоқда. Математика, кимё, биология фанларини ривожлантириш ва уларни ўқитиш борасидаги ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда.

Ўйлайманки, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофотни таъсис этганимиз математика соҳасида ёш иқтидор эгаларини рағбатлантиришда яна бир муҳим омил бўлади.”

Дарҳақиқат, математика барча фанларнинг асоси ҳисобланади. Бу давлатимиз раҳбари томонидан жуда кўп бор таъкидланиб келинмоқда. Ўзбек олимларининг математика фани бўйича салоҳияти азалдан дунё миқёсида тан олинган. Бугун ҳам ушбу нуфузни сақлаб қолиш учун функционал таҳлил ва дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва алгебра йўналишларига ихтисослаштирилган нуфузли мактабларимиз фаолият юритмоқда.

Президентимизнинг “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳани ривожлантиришда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Унга кўра, математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишнинг устувор йўналишлари белгиланди. Шунингдек, ҳар бир туман (шаҳар)да математика фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади. Бу эса мамлакатимизда ушбу фан салоҳиятини янада юксалтириш, илму тафаккур билан жаҳон майдонларида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

Эндиликда яратилаётган шарт-шароитлардан тўғри ва унумли фойдаланган ҳолда, ўз устимизда ишлаб янги илмий натижалар олиш, мустақил фикрга эга ёшларни тарбиялаш, уларга таълим бериш, илм-фан соҳасида юксак натижаларга етаклаш олдимизда турган асосий вазифа ҳисобланади. Бу йилги байрам арафасида менинг ҳам камтарин меҳнатларим юқори баҳоланиб, “Шуҳрат” медалига муносиб кўрилганимдан бошим осмонга етди. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган бу ишонч янги марраларни забт этиш, юртимиз илм-фанини янада ривожлантириш, ёш авлодга таълим бериш, уларни етук мутахассис ва баркамол инсон бўлиб етишишларида бундан-да кўпроқ меҳнат қилишга ундайди. Асосийси, зиммамизга юклатилган вазифаларни оқлаган ҳолда, илму маърифат йўлида буюк аждодларимиз каби дунё олимларини ҳайратда қолдирсак, кўзлаган мақсадимизга эришган бўлардик.

## БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ — ЮКСАЛИШНИНГ ҚЎШҚАНОТИ



**Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ, СамДУ профессори, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби**

**Давлатимиз раҳбарининг бу галги байрам табриги катта бир таҳлил, залворли чиқиш бўлди, десам хато бўлмайди. Табрикда, айниқса, таълимга, муаллимларга қаратилган эътибор педагог сифатида мени жуда тўлқинлантирди.**

Илм-маърифатни юксалтиришга қаратилган ишлар замиридаги асосий бир мақсадни чуқур ҳис қилдим. Бу ҳам бўлса, Беруний, Улуғбек, Ибн Сино каби буюк аждодларни улғайтирган халқ, албатта, яна шундай ишларга қодирлигини намоён этмоғи керак. Мамлакатимизда бу борадаги саъй-ҳаракатлар бошланиб кетди. Эндиликда Учинчи Ренессанс даври ҳақида гап кетяпти. Янги Ўзбекистон дарҳақиқат кечаги эмаслиги айни пайтда барчамизга кундек равшан бўлиб турибди.

Самарқанд давлат университети мисолида айтадиган бўлсам, ҳозир олийгоҳимизда 10 та илмий кенгаш ташкил қилинган. Илгари илмий кенгашлар фаолияти тўхтатиб қўйилган эди. Фаолият юритган тақдирда ҳам бир йилда беш ёки олти киши диссертация ҳимоя қилар эди. Минг шукрки, мана икки йилнинг буёғида бизда 60 дан зиёд диссертация ҳимоя қилинди. Бу нафақат Самарқанд, бутун республикамизда илм-фанга муносабатнинг ўзгарганидан далолат бериб турибди.

Бугун қўшни давлатлар билан бемалол илмий ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлдик. Масалан, Тожикистондан, хусусан, Хўжанд, Душанбе шаҳарларидан ҳам илмий ҳамкорларни жалб қиляпмиз. Мазкур шаҳарларда илмий кенгашимиз аъзолари бор. Бу катта бир қадам. Буларнинг бари ўша биз орзу қилаётган Учинчи Ренессансга олиб келадиган захиралар, аслида.

Шунингдек, бугун том маънода миллий тикланишдан — миллий юксалишга қадам қўйяпмиз. Халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг бевосита вориси сифатида Самарқанд давлат университетининг 600 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Буни нафақат ўзимизнинг ҳокимлару депутатлар, зиёлилар, балки чет эллик олимлар ҳам қўллаб-қувватладилар. Бу, албатта, илму маърифатимизнинг янада юксалишида муҳим омил бўлади.

Таъкидлашни истар эдимки, Президентимизнинг буюк аждодларимиз, қатағон қурбонлари ҳақида куюниб айтган гаплари зиёли сифатида мени чуқур ўйга толдирди. Қатағон йиллари зиёлиларнинг қанчалик зулм кўрганини биз биламиз. Таъкидланганидек, агар улар қийноққа солинмай, отиб ташланмай, умргузаронлик қилганларида илму фанимизга яна қанча-қанча бебаҳо асарлар, ижод намуналари хизмат қилаётган бўлар эди. Бугун уларнинг бор илмий салоҳияти, маънавий меросини эмин-эркин ўрганиб, номларини ғурур билан тилга олаётганимиз ҳам мустақиллигимиз берган энг олий неъматлардан биридир.

Бугун юртимизда одамларни рози қилиш ҳақида қайта-қайта гапириляпти. Одамларни рози қилиш концепцияси бутун халқни ҳаракатга келтирганини ҳам кўриб турибмиз. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Халқнинг орасида тинимсиз юриш, ёруғ кунлар, фаровон ҳаётга даъват қилишнинг самараси, деб ўйлайман.



# БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Фахр

## ТАРИХИЙ ПАЛЛАЛАРДА ЯШАЯПМИЗ



**Зокиржон АЛМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири маслаҳатчиси, генерал-полковник**

**Халқимиз тарихий кунларга гувоҳ бўляпти. Шундай кунларки, авлодлар тарих китобларини варақлаганида, шубҳасиз, фахрланади.**

Боболаридан миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Қурилган муҳташам бинолар, текис ва равон йўллар, замонавий ишлаб чиқариш мажмуалари, инновацион саноат объектлари юртдошларимизнинг турмуш тарзига тобора фаровонлик бағишлаб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда. Ёшларни аждодларга муносиблик ҳисси чулғаб, янги марраларга ундаяпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида ҳамроҳлик қилган давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийларининг хаёлидан шундай ўй кечгани табиий.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, охирги йилларда Тошкент шаҳрининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Пойтахтнинг инфратузилмасини такомиллаштириш, жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш, аҳолига қулайлик яратиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларимизни пандемия шароитидаги ўта мураккаб иқтисодий вазият ҳам сусайтира олмади. Жумладан, мустақиллик байрамига туҳфа сифатида кўплаб янги иншоотлар, йирик ишлаб чиқариш қувватлари қатори Яшнобод туманидаги кўп тармоқли “Texnopark” ишлаб чиқариш мажмуасида “Samsung” бренди остида маиший совитгичлар ишлаб чиқариш корхонасининг очилгани юртдошларимиз ҳаётида катта воқелик бўлди. Мазкур лойиҳа Жанубий Кореянинг “Samsung Electronics” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилди. Ускуналарни монтаж қилиш ва лойиҳани ишга туширишга ҳам кореялик мутахассислар жалб қилинган. Бир вақтнинг ўзида тўрт турдаги совитгичларни ишлаб чиқариш имконияти мавжудлиги лойиҳанинг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Ишлаб чиқариш жараёни 70 фоиз автоматлаштирилган, 1500 ишчи фақат техникаларни бошқариш ва бутловчи қисмларни йиғишда қатнашади. Бу эса ҳар 19 сонияда 1 та тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Корхона йилига 1 миллион дона совитгич ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўтган йилларни бир эслаб кўрайлик-а! Бир пайтлар “Samsung” бренди остида ишлаб чиқариладиган маиший ва бошқа турдаги техникаларни таниш-билишлар орқали чет элдан валюта эвазига келтириб, уйимизнинг тўрига жойлаштириб, келган меҳмонларга мақтанмасмидик?! Энди қарангки, мана шундай нуфузли бренд маҳсулотлари мамлакатимизда, “Texnopark” мажмуасида ишлаб чиқариляпти. Ҳадемай бозорларимиз “Samsung” ёрлиғи туширилган маиший техникаларга тўлади. Ҳар бир юртдошимиз хонадонига сифатли ва эътироф қозонган бренд маҳсулотлари кириб боради. Юртимиз сарҳадларидан ошиб, МДҲ давлатлари аҳолисини ҳам замонавий, сифатли маҳсулот билан таъминлаш имконини беради. Энг муҳими, маиший техника воситалари йўриқнома-китобчасида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёзув муҳрланган. Бу мамлакатимиз саноати ривожи учун алоҳида аҳамиятга эга эканини соҳа ходимлари жуда яхши билади.

“Texnopark” ишлаб чиқариш мажмуасининг ташкил этилиши биз яшаётган замонавий дунё тамойилларининг барча шартларига мос келади. Зеро, жаҳонда тараққиётнинг янги босқичларига қадам қўйилаётган бир пайтда фаолияти тўхтаб, қаровсиз қолган собиқ авиасозлик заводи майдонидан самарали фойдаланиш зарур эди. Президентимиз ташаббуси билан 2019 йил 10 августда асос солинган ишлаб чиқариш мажмуасида электрон газ ҳисоблагичлар тайёрлаш йўлга қўйилган эди. Бу йил мажмуада лифт ва эскалаторлар, сув насослари, кир ювиш машиналари, витрина совитгичлари ва музлаткичлар ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилади. Кейинги йилдан эса мис қувурлари, саноат сув иситиш қозонлари, ошхона техникалари, сендвич панел ва металл конструкциялар, эшик-ромлар учун фурнитура ва аксессуарлар, панелли иситиш радиаторлари, базальт тошидан изоляцион материаллар ишлаб чиқариш лойиҳалари иш бошлайди. Бу бир пайтлар оддий больтни ҳам четдан харид қилиб келган мамлакатимизнинг бир неча йилда эришган илк натижаси. Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил тус олиши навбатдаги қадамларимиз бугунгидан-да илдам, ҳайратомуз ва шиддатли кечишидан дарак беради.

## ВАТАНГА СУЯНЧ БЎЛИНГ!

Бошланиши 1-бетда



**Сирожиддин САЙЙИД, Ўзбекистон халқ шоири**

Лойиҳа умумий қийматининг 103,8 миллион долларлик маблағидан 51 миллиони давлат бюджетидан, қолган 52,8 миллион миқдоридаги қисми эса Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан қопланди. Метрополитеннинг ер ости тоннель қисми диаметри 6,1 метрни, метро бекатларининг умумий баландлиги 17,2 метрни ва бекат платформаси узунлиги 102 метр, кенглиги эса 18,5 метрни ташкил этади. Шунча меҳнату заҳмат эвазига, соғинч ва изтироблар, уйқусиз тунлар, уйғоқ ақл-идрок ва теран тафаккурдан кутилган мақсад — элдошларимизга қулайлик, халқимизнинг оғирини енгил қилиш. Демак, “Юнусобод” ва “Туркистон” бекатлари орқали кунига 7,5 минг йўловчининг узоғини яқин қилиш кўзда тутилган. Шаҳар табиатининг тозалигини сақлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Йилига 5,3 минг тонна зарарли газларнинг об-ҳавони заҳарлаши олди олинади. Бу миллат соғлиғини ҳимоя қилиш демакдир.

Бугунги сертаҳлика дунёда, кўринмас офат-бало ҳар лаҳза, ҳар соатда инсонлар жонига қасд қилиб турган қийин бир шароитда бунёдкорлик ва яратувчанлик завқу шавқи билан яшамоқ юксак инсоний олижанобликдир. Янги ишга туширилган ер ости ва ер усти метро йўллари, муҳташам метро бекат-қасрлари, ташқарига чиққанда эса кўзни қамаштирадиган кенг ва равон шоҳкўчалар, кўп қаватли уй-жойлару энг замонавий технопарклар ўзидан ўзи осонгина бино бўлиб қолган эмас. Буларнинг барчаси, авваламбор, қудрат манбаи, саодат маскани бўлмиш жонажон Ватанимиз — янги Ўзбекистонимизнинг тиниб-тинчимас лойиҳачилару меъморлари, қурувчи ва муҳандислари, барча фидойи ватандошларимиз меҳнатининг улуғвор самарасидир.

Раҳматли бобомнинг бир ҳикматли сўзини отам бизга қайта-қайта насиҳат қилиб айтар эди: “Ватанга ҳам, ерга ҳам меҳр керак, меҳнат керак, болаларим! Ҳамма ёмонлик бемеҳрлар ва бекорчилардан чиқади”.

Кейинги икки-уч йил ичидаги азим пойтахтимизда бўй кўрсатган янгиланишлар, айниқса, Юнусобод ва Яшнобод туманлари мисолидаги бунёдкорлик ишларига қанчалар меҳр ва меҳнат, матонат ва шижоат сарфланганини Ватанни англагандай юрак-юракдан ҳис этамиз. Модомики, гап меҳр ва садоқат ҳақида кетар экан, касб-кори ва юмушидан қатъи назар, элдошларимизнинг оддий инсоний туйғулари айни шу кунларда, мураккаб ва синовли дамларда халқимизнинг умуммиллий олижаноб фазилатлари билан имтиҳондан ўтаётир. Демак, меҳрда гап кўп. Қийин кунимиз ҳам, яхши кунимиз ҳам ўзимизники. Бас, шундай экан, меҳримизни ҳеч қачон бир-биримиздан дариғ тутмайлик.

*Бугун сизга оқ дастурхон тўшар ҳаёт,*
*Таронани тоғорага қўшар ҳаёт,*
*Ҳам сингил, ҳам ёрингизга ўхшар ҳаёт —*
*Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.*

Худди кўнглимиздаги кечинмаларни сезаётгандай чарақлаган метро поезди кенг ва ёруғ, Шарқ қуёши порлаб тургандек нурафшон бекатга келиб тўхтади. Вагон овознигорига ёзилган жарангдор сўзлар янграйди: “Эшиклар очилади. “Туркистон” бекати!” Бир қарашда оддий хитобдек туюлган бу ибора замирида беихтиёр томирлари мозийларга бориб тақалгувчи теран ҳикмат, қадимий эл-улуснинг қадим тарихи ниҳон эканини англайсиз. Демак, ҳозирги замон қасрлари, бино ва иморатларининг меъморий ечимларида боболарнинг дарду армонлари, бугунги ва келажак авлодларнинг орзу-ҳавaслари бадиий ва тасвирий тилсимлари ўз рамзий ифодасини топган. Бекат деворлари, суратлар, порлоқ чироқлар, кошинлар ва устунларгача, оддий нақшу безакларгача зиё таратиб турган китобга ўхшайди. Бу муҳташам ва сермазмун қаср-китобдан каттаю кичик Ватан дарсини, миллий ва умумбашарий қадриятлар сабоғи ва тарбиясини олади.

“Туркистон” бекатининг қадимият обидалари нақшланган бўртма деворий суратларига синчиклаб қараган навқирон йигит-қизлар бамисоли тарих китобини мутолаа қилгандек, аждодларимизнинг бебаҳо маърифий меросини ўргангандек бўлади. Шу маънода “Туркистон” бекати кўргазмали дарсхонага ўхшайди. Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек: **“Нафақат илм ва иқтисодиёт, балки тарбия бизни юксалтиради”**.

... Хаёлимиз беихтиёр олис мозийлардан яқин ўтмишга, аниқроғи, улуғ устозларимиз “тилим боғлиқ, дилим доғлиқ”, дея армон билан куйлаган ўтган асрнинг саксонинчи йилларига кўчади. Устоз Эркин Воҳидов “Туркистон бир — Ватан бир” дея армон қилган ҳамда мана шундай замонларни қўмсаб, соғиниб:

*Ул қаср ичра бари*
*аҳли жаҳон меҳмон бўлур,*
*Бир тамошо қилган одам*
*лол бўлур, ҳайрон бўлур, —*

дея орзу қилганидек, биз мана шу эзгу ниятларнинг ижобатини бугун шундоққина кўз ўнгимизда кўриб турибмиз.

Замон шиддат билан ўтмоқда. Вақт суръати тезоқар дарёдан ҳам илдамроқ ўзиб бораётир. “Туркистон” метро бекатида бир соатлар чамаси кечган вақтимиз давомида биз йўл-йўлакай, узуқ-юлуқ таассуротлар билан эмас, бутун тарих ва ўтмиш, бугун ва келажак, аждодлар ва авлодлар тақдири, давр ва замон кечинмаларини мужассам этган залворли ўй ва фикрлар билан навбатдаги манзилга бориш учун эшиклари очиқ вагонларга кирар эканмиз, ўриндиқларга жойлашиб олганимиздан сўнг овознигорнинг янгроқ товуши эшитилди: “Эшиклар ёпилади. Илтимос, суянмангиз! Кейинги бекат...”

Шу аснода хаёл ва ҳаёт тўқнаш келганини ҳис этамиз. Шоирона ташбеҳлар хаёл осмонида қалдирғочлардай чарх ура бошлайди: Эшикларга суянманг, бир-бирингизга суянинг! Биз бугун якка-якка тартибда яшолмаймиз. Шахсий манфаат учун Ватанга суянманг! Ватанга таянч бўлинг! Ватанга суянч бўлинг! Худди бинолардай, йўллардай Ватанга хизмат қилинг! Ватан учун ер бўлинг, кўприк бўлинг! Ор бўлинг, номус бўлинг, ҳеч бўлмаганда севинч ёшлари учун киприк бўлинг!

*Дунёнинг бу паллалари топилмайди,*
*Эшиклари тун-кун очиқ, ёпилмайди.*
*Меҳр кейин дўконларда сотилмайди,*
*Меҳрингизни қизғанманг бир-бирингиздан.*

## ЯНГИЧА ЯШАШ ВА ЯРАТИШ ЗАВҚИ



**Абдулҳошим МУТАЛОВ, меҳнат фахрийси**

Бунёдкорлик, яратувчилик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган эзгу фазилатдир. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу каби азалий қадриятларимизга янги ҳаёт бахш этилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда шаҳар ва қишлоқларимиздаги замонавий йўл, транспорт, уй-жой ва бошқа инфратузилмаларни бунёд этишга эътибор кучайтирилмоқда.

Президентимиз мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳрида ана шу йўналишда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Ушбу тадбирда мен ҳам иштирок этиб, олам-олам таассуротларга эга бўлдим. Мени ҳайратга солган муҳим янгиликлардан бири кўп йиллардан бери қурилиши тўхтаб қолган Тошкент метрополитенининг янги йўналишлари барпо этилганидир. Айниқса, метро қурувчилари жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ер усти метроси қуриш тажрибасини ўзлаштиргани катта ютуқ бўлди.

Яшнобод туманидаги Фарғона йўли кўчасида, Қорасув канали бўйида қурилаётган “Ассалом, соҳил!” турар жой мажмуасини кўздан кечирар эканмиз, қисқа муддатда шу қадар катта бунёдкорлик ишлари бажарилганига барча тасанно айтди. Кўп қаватли 22 та уй, 58 та коттеж, мўъжаз сайилгоҳлар, яшил майдончалар, антиқа дарахтлар, гуллар, бетакрор кўринишдаги таълим муассасалари, соғломлаштириш мажмуалари, амфитеатр, кафелар, бизнес марказ, умуман, аҳоли яшаши учун қулай объектлар. Буларнинг барчаси инсоннинг ҳаётга, келажакка иштиёқини оширади.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликдан кейин қарийб 25 йил мобайнида мамлакатда, хусусан, Тошкентда кўп қаватли уйлар деярли қурилмаган, одамлар учун уй-жой ниҳоятда долзарб муаммога айланган эди. Шу боис, Президентимиз 2016 йил сентябрда беш йил давомида биргина Сергели туманида кўп қаватли 500 та уй қурилишини айтганида кўпчилик ҳайрон бўлган эди. Бугун бу ерда катта, замонавий мавзе пайдо бўлди.

Бундай яратувчилик ишлари юртимизнинг чекка-чекка туманларида ҳам давом этмоқда. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” лойиҳалари асосида қишлоқ ва мавзелар, маҳаллалар файз-тароватга тўлмоқда.

Жорий йилда глобал пандемия туфайли ҳатто тараққий этган давлатларда ҳам бундай катта бунёдкорлик ишлари у ёқда турсин, ҳатто саноат ва ишлаб чиқаришнинг кўпгина соҳалари ҳам касод бўлмоқда. Шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг инсон саломатлигига салбий таъсирини камайтириш баробарида, иқтисодиётни изчил ривожлантириш ва бунёдкорлик ишларини тизимли асосда давом эттиришга эришилаётгани катта ютуғимиздир.

Инсон манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган бу эзгу ишлар халқимизнинг ҳаётига янгича маъно ва мазмун олиб кирмоқда. Ҳар бир инсон, айниқса, улғайиб келаётган ёшлар эртанги кунга катта умид ва ишонч билан қараётир. Табиийки, халқимизнинг, ёшларимизнинг бу шаҳду шижоати Ватанимизнинг эртанги тараққиётини белгиловчи, бунёдкорлик ишларига қанот бўлувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилажак.

## ЮНУСОБОДНИНГ ОБОДЛИГИ КЎНГИЛДАН



**Фарида АБДУРАҲИМОВА, педагогика фанлари номзоди, доцент Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бўлим бошлиғи**

Шу йилнинг 29 август куни пойтахтимизнинг Юнусобод тумани Аҳмад Дониш кўчасида Тошкент метрополитенининг 2 та станцияси очилишида иштирок этиш менга ҳам насиб этди. Тошкенти азимнинг ҳар бир қарич ерини аввалги ҳолати билан бугунги қиёфасини таққослаб, кўзларимга ишонмадим. Гапнинг рости, Аҳмад Дониш кўчаси чиндан ҳам пастқам-пастқам уйлардан иборат, томлари тўл билан ёпилган, чакалакзор, кечаси манаман деган одам боласи ҳам юришга журъат эта олмайдиган жойлар эди.

“Бодомзор” бекатидан “Туркистон” бекатигача 108,3 миллион доллар сарфланиб барпо этилган 3 километрлик метро йўлини кўрганимда бу тушимми ё ўнгимми, деган ўй мени бир дақиқа ҳам тарк этмади. Бу маблағларни топиш, чет эл мутахассисларини олиб келиш, бекатларнинг ҳар бир қаричи безаги, ҳатто рангларини танлаш ҳам давлат раҳбарининг доимий назоратида бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Бекатларнинг поезд вагонларига чиқиш жойларида кўзи ожиз инсонлар учун алоҳида белгилар ҳам эътибордан четда қолмаган.

Айниқса, бекатларнинг ёруғлиги одамлар қалбини тўлқинлантиради, оқликка, бепоёнликка, эзгу ишларга чорлаб, “Қани, одамзод, қадамингни тезлат, юрт корига ярайдиган хайрли ишларга сен ҳам шошил!” деб даъват қилаётганга ўхшайди. Бу даъват, айниқса, узоғи яқин бўлиб, кўрганларига ишонолмаётган, қулайликларга эга бўлган 340 мингдан зиёд юнусободлик кўнглидан ўтаётгани ҳам бор гап. Ушбу транспорт ҳам арзон, ҳам хавфсиз, ҳам қулайлиги, ҳам салобати билан ажралиб турибди.

Энди бу бекатлар йўловчиларнинг узоғини яқин қилиб, кайфиятини кўтаради. Ҳар куни тонгда уйидан ишига, ишхонасидан, ўқишидан ўз юмушларини бажариб, эртанги нурафшон кун учун улкан ишларни режалаштириб, оиласига хотиржам етиб боришига хизмат қилади.

Айниқса, бу йўлларда тирбандлик камайиши, йилига 5,3 минг тонна зарарли газнинг атмосферага чиқиши олди олиниши бугун атрофимизда айёрона айланиб юрган пандемия шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Кўча бўйлаб экилган 1850 та манзарали дарахт ҳам каттаю кичикни саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта.

Юртимизнинг ҳар бир бурчагидаги бунёдкорлик ишлари, йўллар, бетакрор уйлар, кўприклар, темир йўллар, янги-янги иш ўринлари, боғчаю махсус мактаблар... барчаси одамларни, айниқса, аёлларимизни, оналаримизни тил учида турган орзуларининг рўёбга чиқаётгани элпарвар давлат раҳбари доно сиёсатининг маҳсулидир.

Мен Тошкентда туғилиб улғайган, шу юртнинг бир қизи, бугунги куннинг онаси, бувиси, қайнонаси, қолаверса, бу кунларни узоқ, орзиқиб кутган жамоатчилик вакили сифатида бир нарсани алоҳида таъкидлагим келади. Бўлаётган ўзгаришлар бугун дунё ҳамжамияти ўзбекни миллат сифатида тан олиб, халқимизни, давлатимизни яна шиддат билан янги Ўзбекистон сифатида жаҳон саҳнасига кўтарилаётганининг ифодаси бу.

Президентимиз мустақилликнинг 29 йиллик тантанали маросимидаги нутқида айтганларидек: “Халқимизда “Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир” деган чуқур маъноли ибора бор. Бугунги шароитда бизнинг кўзимиз ҳам, қўлимиз ҳам, юрагимиз ҳам ботир бўлиши керак. Белимизни маҳкам боғлаб пок ният билан меҳнат қилсак, шубҳасиз, кўзлаган марраларимизга эришамиз”. Ана шундай буюк марраларга эришишда ҳар биримиз фидокорона, ҳалол меҳнатимиз билан ҳисса қўшайлик.

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ АМАЛИЙ ДАСТУРЛАРИ



**Бахтиёр ҲАМИДОВ, Ўзбекистон банклари ассоциацияси бош директори**

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси барча жабҳаларда намоён бўляпти.

Сўнги йилларда иқтисодиёт таркиби тубдан ўзгартирилгани, саноат ривожига, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, камбағалликни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилганлиги самарасида юксак технологияларга асосланган кўплаб замонавий корхоналар, бири-биридан муҳташам ва қулай объектлар фаолият юритмоқда.

Мисол сифатида охирги 18 йил мобайнида метрополитен қурилишида тўхтаб қолган ишлар Президентимиз ташаббуси билан қайта жонланиб, Юнусобод йўловчи транспорт артерияси жонланди ҳамда янги Тошкент ер усти ҳалқа метро линиясининг биринчи босқичи аҳолига ва шаҳримиз меҳмонларига хизмат кўрсата бошлади.

Шуниси эътиборлики, метро бекати безакларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замонавий қурилиш хомашёларидан фойдаланиб, IT русумдаги турникетлар, ер ости туннель қисми ва электр тежамкор ёритиш чироқлари ўрнатилган. Имконияти чекланган, кўзи ожиз йўловчилар учун ҳам бекатлар платформасида қулай ва хавфсиз махсус бўртиб чиққан тактил плиткалар ётқизилгани поезд вагонларига чиқишда қўшимча хавфсизликни таъминлаш имконини беради. Ҳар бир бекат миллий меъморчилик услубига хос тарзда қурилиб, кўриниши ва безатилиши жиҳатидан бир-бирини такрорламайди.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизда транспортлар сони кундан-кунга ортиб, тирбандликларни кўпайтириш билан бирга ҳавонинг ифлосланишига ҳам сабаб бўлаётгани, ер усти метроси арзон, қулай ва хавфсиз, энг муҳими, бошқа жамоат транспортларидаги юкламани ўзига олиши, шаҳар марказидаги тирбандликни камайтиришини таъкидлаб, бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришимиз, бунда муддат ва сифат масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозимлигини қайд этди.

Карантин чекловларига қарамай, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан ажратилган имтиёзли кредитлардан 1,7 триллион сўм, “Ҳунармандчиликни ривожлантириш” дастури бўйича эса 307,3 миллиард сўм, “Ёшлар — келажагимиз” дастури доирасида 244,2 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

Юртимизда олиб борилаётган уй-жойлар қурилиши ҳақида ҳам шундай мисолларни келтириш мумкин. Улар “Ақлли уй” талаблари асосида барпо этилиб, 30-40 фоизга арзонлиги, электр тежамкорлиги, иссиқлик изоляцияси, замонавий архитектураси, инновацион электрон қурилмалари, сенсор тизимлари ва улар билан симсиз алоқа орқали боғланиш имкониятларига эга. Бундан ташқари, ушбу уйлар атрофида мўъжаз сайилгоҳлар, яшил майдончалар, соғломлаштириш ва спорт майдончалари мажмуалари ҳам барпо этиляпти.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли халқаро валюта захирамизнинг ҳажми жами 34 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда. Шубҳасиз, бу жуда катта ютуғимиздир.

Президентимиз таъкидлаганидек, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, “Навоийазот” “Шўртангазкимё” комплекси, янги ер ости ва ер усти метро линиялари, муҳташам мажмуалар, барча ҳудудларимизда қад кўтараётган замонавий 40 мингдан ортиқ бино ва иншоотлар халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятидан ёрқин далолатдир.

**Уйи бор инсоннинг кўнгли бутун. Кўнгли бутун одамнинг бахти ҳам бутун! Кўнглида осойишталик ҳукм сурган бахтиёр кишининг эса ҳар соҳада ишлари ўнгидан келиши табиий.**



**Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига**







# АНДИЖОН ВИЛОЯТИ: БУГУНГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР – МУВАФФАҚИЯТ ВА ФАРОВОНЛИК ЗАМИНИ

## Йўлакнинг ҳам эгаси бор

Андижонни кичик Хитойга қиёслашади. Ҳар иккисида ҳам ер майдонига нисбатан аҳоли кўп! Вилоятда бир сотих ҳовлида икки-уч хўжалик истиқомат қилиши одатий ҳолга айланган. Даланинг четидаги йўлакнинг ҳам ўз эгаси бор, десак ишонаверинг.

Ҳududнинг ўзига хос, бетакрор жиҳатлари бир ёну одамларининг чапанилиги бир ён! Ёмғир ёғса, дўпписини плёнкага ўраб, йўлидан қолмайдиган бу одамлар ғўзасини ҳам шу усулда парваришлаб, элдан бурун пахта теради. Бир қарич еридан бир йилда тўрт марта ҳосил олмаса ҳисобмас.

Ҳамма охурига қўй боғлаб, бир сўмини икки сўм қилишга ҳаракат қилган бир пайтда тўрт бош қуённи асраб, қўйдан кўра, ўн баробар кўп даромад ундираётганлар ҳам шу андижонликлар бўлади! Мана шундай танти, мард ва меҳнаткаш замондошларимиз истиқомат қилаётган вилоятда бугун ҳар соҳада улкан ютуқларга эришилмоқда.



## Уйи борнинг кўнгли тўқ

Давлатимиз раҳбари ҳар гал вилоятга ташрифи чоғида иккита масалани кун тартибидаги энг долзарб вазифа, деб белгилайди. Биринчиси, аҳолини турар жой билан таъминлаш, иккинчиси, бандлик масаласи. Кўрсатмалар, белгиланган чоралар мана шу юрт фуқароларининг ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама муҳофазаланишига хизмат қилмоқда. Бу борада, энг аввало, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган, уй-жойга муҳтож хотин-қизларни турар жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада 2017-2019 йиллар давомида 1094 нафар аёл доимий яшаш жойига эга бўлди.

— 24 ёшли ўғлим туғма ногирон, — дейди Андижон туманида истиқомат қилувчи Нодирахон Турғунова. — Ўзим ҳам 2-гуруҳ ногирониман. Қарамоғимда уч фарзандим, 80 ёшни қаршилаган онам бор. Яшириб нима қилдим, баъзан кунимиз шу ногирон ўғлим учун тўланадиган нафақа пулига қараб қоларди.

Туман ҳокимлиги вакиллари шароитимни ўрганишиб, акамнинг оиласи билан бир уйда истиқомат қилаётганимни ҳисобга олиб, бизни алоҳида турар жой билан таъминлашди. Ҳозир ўз уйимда фарзандларим даврасидаман. Қувонарлиси, ишлаб даромад топишим учун тикув машинаси ҳам совға қилишди. Айни пайтда маҳалладошларнинг корига яраб, ҳар ойда 1,2-1,5 миллион сўм пул топмоқдаман. Бу каби эътибор ва амалий ёрдам учун фақат миннатдор бўлишимиз керак!

Вилоятда аҳолининг турар жойга муҳтож қатламини доимий яшаш жойи билан таъминлаш борасидаги ишлар кўлами йил сайин ортмоқда. Бу йил маҳаллий ҳокимликлар томонидан 130 нафар, республика ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 291 нафар, республика махсус фонди орқали 159 нафар хотин-қизни уй-жой билан таъминлаш кўзда тутилган. Уларнинг аксарияти учун бошланғич тўлов ҳукуматимиз томонидан қоплаб берилаётгани ҳақиқий ижтимоий кўмак ифодасидир.

Президентимиз шу йилнинг 21-22 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи давомида аҳолини камбағалликдан чиқаришнинг энг муҳим йўли уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш эканини таъкидлади. Дарҳақиқат, уйи бор инсоннинг кўнгли бутун. Кўнгли бутун одамнинг бахти ҳам бутун! Кўнглида осойишталик ҳукм сурган бахтиёр кишининг эса ҳар соҳада ишлари ўнгидан келиши табиий.

## Имконият яратилди, энди ишлаш керак

Бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири аҳолининг эҳтиёжманд қатламини камбағаллик тоифасидан чиқариб, уларни доимий даромад манбаига эга қилишдир. Вилоятда ҳам 882 та маҳаллада истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган, якка-ёлғиз, карантин даврида даромад манбаидан маҳрум бўлган 40 минг 725 та оилада истиқомат қилувчи 158 минг 126 нафар фуқаронинг рўйхати бор. Айни пайтга қадар улардан 29,5 минг нафарининг бандлиги таъминланди. Жорий йилнинг 9 ойи давомида жами иш билан таъминланганлар 36 минг 806 нафарга етказилади. 4-чорак давомида "темир дафтар"га қайд этилган оилаларнинг ҳар биридан бир нафари иш билан таъминланади.

— Президентимиз вилоятга ташрифи давомида камбағалликдан чиқариш бўйича аҳоли хонадонларига 70 минг бош қуён, 20 минг бош эчки ва 5 миллион бош парранда тарқатиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берган эди, — дейди вилоят ҳокими Шуҳрат Абдураҳмонов. — Бунинг учун жойларда ташаббускорлар томонидан жами 94 та кластер ташкил этилди. Бу халқимизга жуда манзур бўлмоқда. Боиси, ушбу тизимнинг афзаллик жиҳатлари кўп.

Масалан, товуқчилик йўналишини олайлик. Бунда хонадонларга парранда етказиб берувчи тадбиркор аниқ, парвариш қилувчи аниқ, боқувчи учун талаб этиладиган озуқа етказиб берувчи ҳам аниқ, энг асосийси, етиштирилган маҳсулотни сотиб олувчи ҳам аниқ. Аҳоли бир ой давомида кластер томонидан етказиб берилган емини бериб турса бўлди.

Энди унинг оила учун фойдасини ҳисоблаб кўрайлик. Битта хонадонга 200 бош парранда берилмоқда. Уларнинг ҳар бири 11 минг сўмдан бўлганда, жами 2 миллион 200 минг сўмни ташкил этади. Бир бош парранда бир ой парваришланганда оғирлиги 2-2,5 килограммга етади. Бу битта хонадон бир ойда 500 килограмм гўшт етказиб беради, дегани. Етиштирилган парранда гўшти кластер корхонаси томонидан 17 минг сўмдан сотиб олинганда жами 8,5 миллион сўм бўлади. Қилинган харажатлар 7 миллион 100 минг сўмдан иборат эканини инобатга олсак, соф фойда 1 миллион 400 минг сўмни ташкил этяпти. Умуман олганда, битта хонадонга 200 бош парранда, 10 бош қуён ва 2 бош эчки берилса, бир ойда ўртача 3 миллион 400 минг сўм соф фойда олади. Бугунги шароитда бу яхши даромад, деб биламан.

Биз Пахтаобод туманидаги кам таъминланган оила соҳибаси Одинахон Омонуллаева билан суҳбатлашар эканмиз, эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилаётган эътибор ҳақидаги фикри билан танишдик.

— Биз учун барча шароитлар яратилди, — дейди Одинахон қувонч билан. — Фақат меҳнат қилиш, олға интилиш, боқимандаликка чек қўйиб, мавжуд имкониятдан унумли фойдаланиш қолди, холос!

Бизнингча, Одинахоннинг гапига ортиқча изоҳ қўшиш шарт эмас...

## Ўзига хос тажриба

Андижонликлар ҳар соҳада ташаббускорлиги билан ажралиб туради. Таваккалчилик уларга хос хислат. Бир ишни бошлашдан аввал минг бир хаёлга бориб, иккиланиб ўтиргунча, кўнглига инган фикрни шартта бажариб қўя қолади. Жумладан, бу йил мактабни битирувчи ҳар бир йигит-қизни, у таълимни давом эттирадими-йўқми, бундан қатъи назар, бандлигини таъминлаш юзасидан ўзига хос тажрибага қўл урилди.

Айтиш жоиз, жорий йилда Андижонда умумтаълим мактабларини 40 минг 298 нафар битирувчи тамомлади. Уларнинг ҳар бири билан бўлиб ўтган ўрганиш давомида келгуси режалари билан яқиндан танишилди. Натижада 71 фоиз битирувчи мактабни тамомлагач, "устоз–шогирд" анъанасига биноан ҳунар ўрганишни, 14 фоизи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги борлигини, 4 фоизи ота-онасининг кўмагида иш билан таъминланишини, 8 фоизи эса бу борада амалий ёрдамга муҳтож эканини билдирди. Уларнинг бандлигини таъминлаш доирасида ишлаб чиқилган режага асосан, айни пайтда 4109 нафар ёш доимий иш жойига эга бўлган бўлса, 1180 нафарининг ҳар бирига такрорий экин учун 20 сотихдан ер майдони ажратиб берилди. 16 минг битирувчига эса 43,2 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Энди улар шу маблағ ҳисобига ҳунармандлик билан шуғулланиши ёки тадбиркорлик фаолиятига асос солиши мумкин. Йил охирига қадар барча битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан амалий ишлар давом этмоқда.

— Бу йил умумтаълим мактабини аъло баҳоларга битирдим, — дейди вилоятнинг Хўжаобод туманида истиқомат қилувчи Зебунисо Ашурматова. — Андижон давлат университетига ҳужжат топширдим. Ўқишга кириб олсам, келажакда яхши ўқитувчи бўлиш ниятим бор. Ўқишга кира олмасам ҳам ташвишланадиган жойим йўқ. Чунки вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан 5 миллион сўм маблағ беришди. Ушбу маблағга тикув машинаси ва хомашё сотиб олдим. Айни пайтда нафақат ўзим, балки икки дугонамни ҳам иш билан таъминлашга эришганман.

## Истиқболли лойиҳалар — ҳаётга!

Вилоятда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тараққиётнинг асосий бўғинини ташкил этади. 2020 йилнинг ўзида 7 триллион сўмлик 774 та лойиҳа амалга оширилиши ҳисобига 42 мингта янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бугунгача 1,2 триллион сўм қийматдаги 254 та лойиҳа ишга туширилиб, 9 минг 531 та янги иш ўрни вужудга келди. Йил якунига қадар истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш орқали 4,1 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қувватлари яратилади, 120 миллион долларлик экспорт қилиш имконияти, бюджетга 420 миллиард сўмлик соф тушумлар захираси вужудга келади, 35 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. 2021 йилда лойиҳалар қийматини 2020 йилдагига нисбатан қарийб 2 баробар ошириш мақсадида ҳозирга қадар 13,6 триллион сўмлик 167 та лойиҳа шакллантирилди. Уларни амалга оширишда хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Шунинг учун масаланинг бу жиҳатига алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, жорий йилда умумий қиймати 410,7 миллион долларлик 41 та лойиҳа режалаштирилган. Умуман, йил давомида 310 миллион доллар қийматидаги хорижий инвестицияни ўзлаштириш юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида Балиқчи туманидаги "Скортон текстиль" МЧЖда 6 минг тонна калава-ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 100 нафар янги иш ўрни яратилади. Андижон шаҳридаги "Ураланд" МЧЖ томонидан 8 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобига нефть қудуқлари учун йилига 450 минг метр қувур ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу эса 250 кишини иш билан таъминлаш имконини беради. Булоқбоши туманидаги "Нектар Агро" МЧЖ томонидан 3,5 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига йилига 600 тонна помидор ва бодринг етиштириш йўлга қўйилиб, 25 та янги иш ўрни яратилади. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ҳудудлардаги иқтисодий тараққиёт, энг аввало, халқимиз ижтимоий турмушини шакллантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, бу борада хизмат ва сервис соҳасининг тараққиёти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

## Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — экспортга

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ташрифларидан бирида Хўжаобод туманида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қуритиш, музлатиш ва сотишга ихтисослашган йирик логистика комплексини ташкил этиш бўйича маслаҳат берган эди. Жуда қисқа фурсат ичида йирик логистика марказининг ишга тушишига имкон яратилди. "Тошкентвино комбинати" АЖ ҳамда "Навигул" қўшма корхонасининг ушбу лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш натижасида ҳудуддаги 1200 дан ортиқ киши иш билан таъминланди. 6 гектар майдонда кўчат етиштирувчи иссиқхона, 255 гектар майдонда интенсив боғ, 589 гектар майдонда йилига 1 миллион АҚШ доллари қийматидаги 7 минг тонна мева-сабзавот ва дуккакли экин маҳсулотларини қайта ишлаш имкониятига эга логистика маркази барпо этилди.

## Пахта машинада терилмоқда

Қўрғонтепа туманида "Khantex group" МЧЖ фермер хўжаликларига олинадиган ҳосилдорликни ошириш, етиштирилган пахтани ўз вақтида йиғиб-териб олишга кўмаклашмоқда. Жумладан, 800 минг АҚШ долларига сотиб олинган "John Deere CP690" ҳамда "CASE" русумли замонавий терим комбайнлари Қўрғонтепа туманидаги "Қуёшли ўлка" фермер хўжалиги пахта даласида ҳосилни тера бошлади.

— Қўрғонтепа туманида пахта ҳар йили ҳашарчилар ёрдамида териларди, — дейди жамият раҳбари Зокиржон Набижонов. — Ишчи кучи етишмайдиган ҳудудга бу каби техниканинг кириб келиши айни муддао бўлди. Комбайнлар бир кунда 180 гектар майдондаги ҳосилни сифатли териб олмоқда. Шу билан бирга, уни бунтлаб, плёнкага ўраб беряпти. Энди фермер ҳосил чўғини бунтлар сонига қараб чамалаши мумкин.

Айтиш жоизки, кластер ташкил этилиши билан туман ҳокимининг қарорига асосан, қолоқ, ҳосилдорлиги паст фермерларнинг 1674 гектар ер майдони "Қуёшли ўлка" фермер хўжалиги таркибига ўтказилди. Ерга чигит қадаш ҳам хориждан келтирилган энг замонавий техника воситаларида бажарилди. Аҳамиятли жиҳати, чигит 60 ҳамда 90 эмас, балки 76 схемада экилди. Натижада ҳар гектар майдонда 131 минг туп кўчат экиш имкони юзага келди. Янги усул орқали ғўза ораларига ишлов берилганида ўсимлик унумдорлиги икки баробар ортди.

Америкада ишлаб чиқарилган ушбу техникалар Ўзбекистон пахта майдонларида муваффақиятли синовдан ўтказилгани боис, келгуси йилдан бошлаб уларнинг сонини 20 тага етказишга қарор қилинди.



**Вилоятда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури тараққиётнинг асосий бўғинини ташкил этади. 2020 йилнинг ўзида 7 триллион сўмлик 774 та лойиҳа амалга оширилиши ҳисобига 42 мингта янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бугунгача 1,2 триллион сўм қийматдаги 254 та лойиҳа ишга туширилиб, 9 минг 531 та янги иш ўрни вужудга келди.**

## Хонободга хуш келибсиз!

Хонобод шаҳри республикамизнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. Яқин-яқингача у ёпиқ шаҳар эди. Ҳатто хонободликларнинг ўзлари ҳам метин постлардан ўтишда юрак ҳовучларди. Натижада бу масканга келувчилар қадами ариди. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 2 июнь куни Андижон вилоятига ташрифи давомида ушбу шаҳар ҳаёти билан танишар экан, унга янги ҳаёт ато этиш лозимлигини таъкидлади.

— Энг аввало, одамларнинг турмуш тарзини яхшилаш керак, — деган эди ўшанда Президентимиз. — Бунинг учун янги иш ўринларини яратиш, фойдаланилмай турган бўш биноларни тадбиркорларга бериш, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини шакллантириш керак. Хонобод "Ўзбекистон Швейцарияси" номи билан танилган. Бугунги кунда ана шу номга муносиб бўлишини таъминлаб бермоғимиз керак.

Давлатимиз раҳбари шу куни Хонободда бажарилиши муҳим бўлган масалалар юзасидан кўрсатмалар берди. Унга мувофиқ, дастлаб узоқ йиллар давомида қурилиши тўхтаб қолган "Хонобод" сиҳатгоҳи фойдаланишга топширилди.

Денгиз сатҳидан 850 метр баландликда жойлашган, кислород билан тўйинган ва ионлаштирилган ҳаволи бу маскан юқори ҳамда қуйи нафас органлари, ҳаракат-таянч, асаб тизими касалликларини даволашга ихтисослашган. 97 миллиард сўм маблағ эвазига қад ростлаган ушбу муассаса 10,5 гектар майдондаги манзарали дарахтлардан иборат боғ бағрида қад ростлаган. Сиҳатгоҳдаги замонавий спорт майдонлари, сув ҳавзалари, wi-fi, болалар майдончалари дам олувчилар хизматида. 800 нафар қурувчи ва ишчи ходимнинг самарали хизматлари туфайли бунёд бўлган сиҳатгоҳ бир пайтнинг ўзида 200 нафар кишини қабул қилиш имконига эга. Муассасанинг ишга тушиши натижасида 130 нафардан зиёд хонободлик муқим иш жойига эга бўлди.

Хонобод шаҳрининг республикамиздаги энг сўлим дам олиш маскани ва сайёҳлик марказига айлантириш борасидаги ишлар кўлами кундан-кунга ортмоқда. Айни пайтда Хонтоғ адирликларида 1000 та дала ҳовли қуриш ишлари бошлаб юборилди. Ҳудудга олиб борувчи йўлга шағал тўкиш, электр энергияси ва ичимлик сув қувурини тортиш ишлари олиб бориляпти. Шу билан бирга, энг замонавий шароитларга эга бўлган дала ҳовлилар қурилиши давом этмоқда. Келгусида бу ерда ёзги ва қишки спорт майдонлари, чўмилиш ҳавзалари, миллий чойхоналар ва замонавий ресторанлар фойдаланишга топширилади. Бир сўз билан айтганда, дам олиш учун неки зарур бўлса, буларнинг барчаси мана шу масканда таркиб топади.

— Мен Хонобод шаҳрига собиқ шўролар даврида ҳам келганман, — дейди японияли сайёҳ Такума Курасаво. — Бугун унинг таровати янада ортибди. Амалга оширилаётган ишлар келгусида сайёҳлик борасида ўзига хос ютуқларга эришишидан далолат бериб турибди. Менга Хонободнинг ҳавоси жуда ёқади. Суви зилол! Бу ерга қадам ранжида қилган киши ҳавосидан нафас олиб, сувидан қониб ичса, барча касалликлардан фориғ бўлишига ишончим комил.

Шаҳарда ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Унга 3200 дан зиёд лойиҳа киритилиб, 500 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бунинг натижасида кўплаб корхоналар ташкил этилиб, одамлар иш билан таъминланди.

Ўтган йили ишга туширилган "Xon tex city" масъулияти чекланган жамияти ана шундай эътибор натижасида фаолиятини тиклаган корхоналардан бири. Бу ерда 300 дан ортиқ моделдаги кийим-кечак ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган. Корхонанинг 300 дан зиёд ишчиси томонидан тайёрланаётган маҳсулотнинг 500 минг долларлик қисми хорижга экспорт қилиниши режалаштирилган.

* * *

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, андижонликлар ҳар бир соҳада ўзига хос силжиш, интилиш ва, албатта, мақсадга эришишни ният қилган. Вилоят аҳолисининг эртанги кундан умиди катта. Зеро, бугун ташланган дадил қадамлар эртага истиқболли манзилларга бошлаб бориши, шубҳасиз!

**Рустам ЭШОНОВ, Зиё СИРОЖ.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 3 сентябрь, 168-сон

**Маълумки, ҳар қандай давлат мустақил давлат мустаҳкам маънавий пойдеворга эга бўлгандагина юксак тараққиётга эриша олади. Шу мақсадда биз "Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси" доирасида умумтаълим мактабларида биринчи марта "Тарбия" фанини жорий этмоқдамиз. Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*(Мустақиллигимизнинг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан)*

**Тил — миллат ғурури**

# "СЎЗ ДУРЛАРИН ТЕРМОҚ..."



**Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари**

***"Сўз ҳам тирик мавжудот. Унинг чақалоқлик, болалик, ўсмирлик ҳамда балоғат чоғлари бўлади. Сўзда мансуб халқнинг руҳи, феъл-атвори акс этади. Ўз сўзингни қўйиб, ўзганинг забонига суяниш — ўз жигарингни уйингдан ҳайдаб, бегонани етаклаб юришдек гап..."***

***(Эркин ВОҲИДОВ суҳбатларидан)***

**Тил — миллатнинг ўзига хослигини кўрсатувчи энг асосий восита. Ўтган йиллар давомида ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузини ошириш йўлида кўплаб амалий ишлар қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2019 йил 4 октябрдаги "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.**

Бугун Вазирлар Маҳкамасида бевосита тил масалалари билан шуғулланувчи департаментнинг ташкил қилингани, қолаверса, ҳар бир ташкилот ва идора раҳбарининг айни давлат тили ҳақидаги қонунга риоя этилишида кўмаклашувчи маслаҳатчилари лавозими жорий этилиши биз юқорида таъкидлаган амалий ишлардан бир намунадир. Устоз ижодкорларнинг тил ҳимоясига бағишланган, давлат тилининг мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи асарларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиши ҳам қувонарли, албатта. Ана шундай оғир, аммо жуда шарафли вазифани елкасига олиб, тил тарғиботи йўлида янги йўлни бошлаб берган устозларимиздан бири, ҳеч шубҳасиз, Эркин Воҳидов эди. Қуйида ўзбек тилининг жонкуяр ҳимоячиси, фаол тарғиботчиси бўлган устозимиз Эркин Воҳидов ҳақида кўнглимдаги гапларни ёздим.

Тангри таолога ўзбек халқининг қайсидир хислати маъқул тушган бўлса керак, толеига Эркин Воҳидовдек буюк шоирни, мутафаккирни, тенги йўқ сўз заргарини туҳфа қилди. Мен ўзбекнинг оддий бир ҳавасманд ижодкори сифатида шукрлар қиламанки, ўқувчилик кезларим дарслик китобимда суратини кўрган, шеърларини ёд олиб имтиҳонларда "аъло" баҳо олган инсоннинг назарига тушдим, меҳрини қозондим.

Қизиқ бир ҳолатни кўп кузатганман, журнал ёки газетада бирор ижодкорнинг суратини илк бор кўрганингдаёқ кўнглингда қандай таассурот уйғонса, кейинчалик ўзи билан кўришган пайтингда ҳам ҳақиқатан тасаввурингга мос инсон эканига гувоҳ бўларкансан. Гоҳида шундай бўладики, баъзи кишилар ўқишли асарлар ёзган тақдирда ҳам суратини кўрган пайтингда қандайдир нохуш кайфият уйғонади, негадир кўнгил ғаш тортаверади. Худди шунақа ижодкорлар билан кейинчалик бирга ишлашга, сафарларда шерик тушишга, баъзилари билан қўшни бўлиб яшашга тўғри келгач, бу фикримга яққол амин бўлганман. Аммо Эркин Воҳидовнинг ёруғ юзи, ўзига ярашган салобати, теран нигоҳини суратларида ёки телевизорда илк бор кўрган пайтимдаёқ яхши инсон эканига ишонч берувчи кайфият пайдо бўлган. "Эркинжон чиққан газетанинг ўша саҳифаси нур таратиб туради", дерди устоз Йўлдош Сулаймон.

Кейинчалик Эркин Воҳидов билан яқин ҳамсуҳбат бўлиб, ҳаддим сиғиб, унча-мунча гапни бемалолроқ айтадиган бўлганимда, ўша биринчи таассуротимни эслаб, устозга сўзлаб бердим. У киши ўзига ярашган алфозда бошларини озгина орқага ташлаб, кулиб: "Ҳа, суратда одамнинг кўнгли акс этади, буни илғаган илғайди. Лекин баъзи инсонлар суратга тушишни қотиради, бир қарашда покдомон, фаришта бўлиб кўринади, — деди ва жиддий тортиб, мисол тариқасида Сталинни эслади, — унинг расмига одамлар маҳлиё эди, ҳалигача уйининг тўрида асрайдиганлар бор, лекин улар у одамнинг қандай разил, ваҳший бўлганини тасаввурига ҳам сиғдиролмайди", деди ва яна кулимсиб қўшимча қилди: "Бунақа нусхалар бугун ҳам учраб туради".

Улуғлар ҳақида гап кетганида баъзилар, "гуруч баҳона сув ичиб қолайлик", деган мақсадда ўзининг шахсиятини тарғиб қилиб қолади, шунга ҳушёр бўлиш керак дейишади. Лекин буюк шахслар тўғрисида кўзинг билан кўриб, ўз қулоғинг билан эшитганларингни ёзмасанг, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган олди-қочди ҳангомага айланиб кетиши ҳам ҳеч гапмас.

Алқисса, устоз билан биринчи кўришувим бундоқ бўлган. "Қўнғироқ" сарлавҳали мақоламда бу ҳақда эслаганман, талабалик пайтимда Тошкентга "шеър тарқатгани" келиб, Ҳамза театри ёнидан чиқиб қолдим. Бирпас анграйиб, атрофни томоша қилиб турсам, бирдан йўл четида машина тўхтаб, кимсан нақ Эркин Воҳидовнинг ўзгинаси тушиб турибди! Кимдир кутиб олиши керак бўлган шекилли, устоз аввал атрофга кўз югуртириб, сўнг ўзларига хос маҳобат билан оҳиста юриб, зинадан бир-бир босиб, ичкарига кириб кетди. Анграйганча қолдим. "Эҳ, нимага дастхат олиб қолмадим, нимага бориб сўрашмадим", дейман ҳушимни йиғиб олгач. Кейинчалик Эркин акага шу воқеани эслатганимда, ўзига хос лутф билан: "Югуриб бориб, қўлимни ушламабсиз-да, мен Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо бўламан!" демаган экансиз-да, деди. Шу гапдаям икки маъно борлигини қаранг: бўламан — мен ўшаман; бўламан — мен ҳали бўламан...

1991 йил Тошкентга келиб, "Ватан" газетасида иш бошладим. 1994 йил устоз Хайриддин Султонов чақириб, Эркин Воҳидов мени сўраётганини, "Кўнгил" номли китобим маъқул бўлганини, Гулчеҳра опага (Эркин Воҳидовнинг турмуш ўртоғи) Давлат стандартлаш агентлигига ёрдамчи ходим керак эканини айтди. Хайриддин аканинг столида ҳам ўша шапалоқдек китобча турганини кўриб хурсанд бўлдим...



Эртасига агентликка бордим, телефон қилиб боғланолмадим, анча пайт кутдим. Кейин билсам, опанинг тоблари қочиб касалхонага тушиб қолиб, ишга келолмабди. Шундай қилиб, опага ёрдамчи бўлиш толемизга ёзилмаган экан. Лекин кейинчалик оилавий борди-келди асносида опага ўғил, Хуршидбек билан ака-ука бўлиб кетдик. Гулчеҳра опам қўлигул уй бекаси бўлиши билан бирга, сўзга чечан, нозиктаъб шеършунос эканига кўп гувоҳ бўлганман. Буюкларнинг суяб турадиган тоғи бўлади, илҳом берадиган чаманзор боғи бўлади, дейишади. Ойбекнинг Зарифахоними, Ҳамид Олимжоннинг Зулфияси, Қаҳҳорнинг Кибриёси ҳақида кўп ҳикоялар бор. Мен ана шундай тимсоллар қаторида Опанинг қиёфасини ҳам кўраман.

Устоз билан биринчи суҳбатимиздан тортиб стационардаги охирги учрашувимиз пайтида ҳам ул зот сўзни қанчалик эъзозлагани, тилга қанчалик меҳр ва муҳаббат билан муносабатда бўлгани, сўзни ёш боладай, жужуқдай эркалаганига шоҳид бўлганман.



Адабий "гап"имиз бор эди. Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев, Иброҳим Ғофуров, Умарали Норматов, Неъматулло Иброҳимов, Абдуғофур Расулов, Шуҳрат Ризаев, Ҳамидулло Болтабоев, Хуршид Дўстмуҳаммад каби адиб-олимлар иштирокида кун бўйи адабий суҳбатлар бўларди. Суҳбатларда гап Навоийга бориб тақалаверар, сўзларнинг тарихига, ривожига, ҳаракатига тааллуқли мушоҳадалар қизигандан қизирди. Эркин ака менинг "Девону луғатит-турк"ка қизиқишимни рағбатлантириб, "Шоир одам олим, тилшунос бўлиши керак, шоирнинг илми ширалироқ бўлади", дерди.

*"Алп Эр Тўнга ўлдими?
Эсиз, ажун қалдими?
Ўдлак ўчин алдими?
Эмди юрак йиртилур!"*

— тўртлигини ўқисам, "Воҳ, мана буни шарҳлаш керак, шеърни қаранг, туркнинг қиличидек кескир, ҳам риторик сўроқ, ҳам одам қайғудан ўз ичига сиғмаётгани ифодаси! Мана шу ҳақиқий шеър, воҳ-воҳ", деб тўлқинланиб кетарди.

Алишер Навоийнинг "Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ ондин" байтини келтириб, устоз: "Навоий ҳазратлари икки маънога ишора қилади, биринчиси, "Ҳайвонга тил ато этилмади, фақат овоз берилди", иккинчиси, "Инсонни ҳайвондан жудо қилган жиҳат — тилнинг назокати, гўзаллиги, латофати, сўзни ишлатиш маҳорати. Инсон бўла туриб, тилни тўғри ишлата олмаса, ҳайвондан фарқи бўлмайди, тил латофатига эга бўлиши — инсонни ҳайвонсифат одамдан фарқлайди", деган маънони ҳам ифодалайди...", дерди.

Бир куни Эркин ака Абдулла Қаҳҳорнинг "Нима учун кўча ҳаракати қоидасини бузган кишига милиция ҳуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким ҳуштак чалмайди?" деган гапини эслаб, "Агар тил қоидасини бузиб, булғаб, оёқости қилаётганлар жаримага тортилганда, биздан кўра, бой давлат бўлмасди, бунча пулни қаёққа қўйишни билмай қолардик", деб лутф қилганди...

"Тил учун фақат Тил қўмитаси ёки бошқа масъул идоралармас, халқ курашиши керак, чунки бу бир ташкилотнинг эмас, халқнинг бойлиги", деб таъкидларди. "Сўз латофати" китобида ёзганидек: "Она тили умуммиллат мулки. Демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир".



**"Тил учун фақат Тил қўмитаси ёки бошқа масъул идоралармас, халқ курашиши керак, чунки бу бир ташкилотнинг эмас, халқнинг бойлиги", деб таъкидларди. "Сўз латофати" китобида ёзганидек: "Она тили умуммиллат мулки. Демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир".**

Эркин аканинг:

*Эл — устозим, мен эса — толиб,
Сўз дурларин термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим,*

деган мисралари ўзининг ҳаёт шиоридай жаранглаб, яшаш принципига айланган эди. Эркин ака охирги пайтларидаям тилнинг гўзаллигига суяниб, шундан завқ-шавқ, қувват олиб яшади. "Сўз латофати" китобидаги ҳикматларининг жуда кўпларини ўша суҳбатларда бизга гапириб, пишитиб олганди.

Даҳоларнинг ҳикмати шундаки, одамлар билган, аммо идрокига етмаган мулоҳазаларни содда қилиб тушунтириб қўяди. Қаранг, қарсак билан чапакни қандай шарҳлаяпти: "Кафтни кафтга уриш — олқиш белгиси. Чиққан товуш чапилласа ***чапак***, қарсилласа ***қарсак*** бўлади. Агар биров ғафлатда, ангда, бирор нарсадан ғофил қолса, чапак чалганча қолди, дейилади". Ёки узум ҳақидаги фикрларига эътибор қилинг: ***"Узум едим, "узум" дедим, билсам, токдан узиб едим,*** дегандек, ўз қўлим билан ишкомдан узум узатуриб, бу сўзнинг ***узмоқ***дан олингани хаёлимга келган эди. Ахир унган нарсани ***унум***, ғуж ўсган мевани ***ғужум***, жамият тузилишини ***тузум***, чўғнинг ***қўри***дан қолган кулни ***қурум*** деймиз. Оғизга солиб ютганимиз ***ютум,*** томоқдан ***қулт*** этиб ўтган сув қултум бўлганидек, ишкомдан ***узиб*** еганимиз ***узум*** бўлади-да, дея ўз содда кашфиётимдан суюнган эдим".

Эркин аканинг тилга бўлган муносабати ҳақида сўз кетганда, яна бир жиҳатга эътибор қилишни истардим. Тилимизни яхши кўрадиган акаларимиз, дўстларимиз, худога шукр, кўп. Лекин уларнинг қарашларида баъзида маҳдудлик, чекланиш жиҳатларини ҳам кўрамиз. Масалан, кимдир форсча сўз керакмас, дейди. Кимдир арабчани, кимдир туркчани-да ишлатишга қарши, ўзбек тили "соф" бўлиши тарафдори. Эркин ака айтардиларки: "Тилимиз шаклланган муҳит, жуғрофий ҳудуд форсий, арабий ва туркий дарёлардан сув ичган, шунинг учун ҳам ифода имконияти кенг. Шунақа товланишлар борки, бошқа туркий тилларда топилмайди бу. Қодирий тилини, Бобур тилини кўринг, сўзнинг қандай гўзал ифода топишига эътибор қилинг. Халқона сўзларни айтмайсизми. "Қани, ўзларидан бўлсин", деган ифодани қайси тилдан топиш мумкин?"

Бугунги умумлашув даврида дунёдаги ҳеч бир фаол тил хориж сўзларидан ўзини бутунлай муҳофаза қила олган эмас. Инглизми, японми, туркми, ҳаммасида ҳам бошқа тиллардан кириб келаётган минглаб, ўн минглаб сўзлар борлигини кузатиш мумкин.

Дарҳақиқат, Эркин ака тилга нисбатан жуда бағрикенг эди. "Тилимиздан бошқа сўзларни ҳайдаб чиқарамиз, дейиш нотўғри, чунки халқимизнинг қон-қонига сингиб бўлган байналмилал, интернационал сўзларни ҳам қабул қилишимиз керак. Дин нуқтаи назаридан, арабча ҳам тилимиз ҳисобланади. Яқин ҳамкорликда бўлиб сингишиб кетгани учун форс тилиям ўзимизнинг тилимиз", дерди. "Сўз — забаржад, зўр — гавҳар, олтин..." Шу ифоданинг ўзида ҳам учта тилдан фойдалангани тилга бўлган муносабатини англатади. Эркин аканинг гапларидан хулоса қиламанки, Темур бобомиз дунёни қандай босиб олиб, эга чиққан бўлса, биз ҳам уларнинг тилларига қайсидир маънода эгамиз. Навоий бобомиз форс тилиниям, араб тилиниям мукаммал ўзлаштириб, бизга мерос қилиб қолдирган...

"Мен бутун инсониятни, коинотни яхши кўраман, жонимни фидо қиламан", дейишимиз мумкин. Лекин бу севгимиз халққа наф келтирмаса, баландпарвоз гаплигича қолаверади. Эркин ака шу маънода ўз халқининг адабиётига, тилига чексиз садоқати, муҳаббати ярақлаб кўриниб турадиган, гўзалликни ардоқлайдиган, дунё тилларини ҳурмат қиладиган кенгюрак инсон эди. Агар киши ўзини ҳурмат қилмаса, бошқалар ҳам уни ҳурмат қилмайди, ўз тилини ҳурмат қилмаса, бошқалар ҳам унинг тилини ҳурмат қилмайди. Агар инсон ўз халқини бошига кўтармаса, бошқа халқ вакиллари ҳеч қачон бу ишни қилмайди. Эркин ака: "Менга Пушкин бир жаҳону, менга Байрон бир жаҳон", дея уларнинг ҳурматларини жойига қўйиб, "Лек Навоийдек бобом бор, кўксим осмон, ўзбегим" сатрларига бир умр садоқат билан яшаб ўтдилар. Мана шу бағрикенглик, инсониятга бўлган муҳаббат Эркин аканинг ижодида ўз аксини топган. Ғазалларида, шеърларида сўзни ўйнатиб, худди тилла тангани отиб, қуёшнинг нурида товлантиргандай ифода жилваларида акс эттирган. Содда сатрлари билан сўз санъатининг гўзал ва мукаммал намуналарини яратиб кетди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Олий Мажлисда Тил қўмитасига раис бўлиб фаолият юритгани ҳам тасодиф эмас. Бу вазифага тилни яхши кўрадиган, ҳурмат қиладиган ва ўзи ҳам ҳурматга лойиқ бўлган инсон бош бўлиши керак эди ва бу жуда тўғри танлов бўлганди. Ўша пайтда бирга ишлаган сафдошлари Эркин аканинг қанчадан-қанча атамаларни ўзбекчалаштириб бергани, ўзбекча қонун тилининг яратилишида қўшган беқиёс ҳиссаларини эслашади. Бунда элсевар бир шахснинг ижоди ва шахси, тили ва дили нақадар бирлигини кўришимиз мумкин.

Эркин аканинг сўзга нисбатан масъулияти, қатъиятига, айниқса, бугун катта эҳтиёж сезиляпти. Тил ҳақидаги қонун янги таҳрир топаётган, тилимизга янги имконлар очилаётган бир пайтда Эркин ака берган сабоқлар ҳаммамиз учун ўта муҳим.

Сўз, сўзнинг масъулияти ҳақида кўп гапириш мумкин, аммо Эркин аканинг ҳикматларидан, "Девону луғотит турк"даги мақоллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, сўз ҳақида гапирганда сўзни тежаган, тил ҳақида оғиз очганда тилни вақтида тийган дуруст.

Устозимизнинг охиратлари обод, руҳлари шод бўлсин!

Зеро, Эркин ака лутф этганидек: "Ўз она тилини севмаган, тил замирида ётган тарихни билмаган, қизиқмаган одам баркамол саналмас. У ким, қайси юрт ва қайси миллатга мансуб эканидан, ўз она тилининг бою камбағаллиги, майин ё дағаллигидан қатъи назар. Ўз тилинг ўз ватанингдек азиз, ўз онангдек табаррук".

---

**Қабул – 2020**

# ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ



**Камолиддин ЎРИНБОЕВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори**

**2 август куни мамлакатимиз олий ўқув юртларига тест синовлари ва ижодий имтиҳонлар бошланди. Жумладан, Ўзбекистон давлат консерваториясида ҳам таълимнинг 16 йўналиши бўйича ижодий имтиҳонлар бўлиб ўтмоқда.**

Ҳозирги карантин шароитида имтиҳонларни ташкил этишда абитуриентларнинг саломатлигини, хавфсизлигини таъминлаш асосий мезон этиб белгиланди. Шу мақсадда бир қанча янгиликлар жорий этилди. Жумладан, абитуриентларни вилоятлар кесимида чақиришни йўлга қўйдик. Ижодий имтиҳонларни ўтказиш жараёни ҳам соддалаштирилди, ҳар бир йўналишга аниқ вақт белгиланди.

Ўзбекистон давлат консерваториясига бу йил қарийб бир минг тўққиз юз нафар ёш ҳужжат топширди. Бу ўтган йилги абитуриентлар сонидан ўттиз фоиз кўпдир. Ҳатто баъзи йўналишларда битта ўринга 14 та талабгор тўғри келмоқда. Бу ёшларда олий таълим олишга иштиёқ тобора ошиб бораётганини ифода этади. Табиийки, имтиҳон жараёнида рақобат ҳам кучли бўлади.

Имтиҳоннинг илк кунини кузатиб хулосага келдимки, ёшларимизнинг шижоати, ўзига ишончи жуда кучли. Уларнинг ҳар бири ўз олдига қатъий мақсад қўйиб, шунга эришиш учун дадил ҳаракат қилмоқда. Йигит-қизларимизнинг билим, салоҳият, ижодий қобилияти ҳам юқори. Ҳар бир абитуриент имтиҳонларга жиддий тайёргарлик кўрган. Буларнинг барчаси бугунги ёшларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкам эканидан дарак беради.

Консерваториямизда ёшларнинг интилиши ва орзу-умидларини тўла рўёбга чиқариш мақсадида имтиҳонларни холислик, адолат тамойиллари асосида ўтказиш учун барча шароитлар яратилди. Имтиҳон жараёнларини тарихга муҳрлаш учун таълим муассасамизнинг ҳар бир бурчагига кузатув камераларини ўрнатдик.

Бундан ташқари, имтиҳон жараёнларини таълим муассасамизнинг интернетдаги сайти ва бошқа платформалар орқали тўғридан-тўғри кузатиш имконияти яратилди. Агар абитуриент ўзи олган баҳога қониқмаса ёки шубҳаланса, истаган пайтда консерватория сайтига кириб электрон архивдан ўзининг имтиҳон топшириш жараёни акс этган лавҳани томоша қилиши мумкин.

Консерваториямизда ижодий имтиҳонлар 19 сентябрга қадар давом этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёров**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари **Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2238.
42311 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 00:30 Топширилди — 01:35